

«Машина оларкан...» Нозимнинг ичидаги иблис бош кўтарди. «Сездир-масдан уйдан пулини олиб чиқиб кет, юрасанми, иш қидириб», дея ўзига-ўзи пичирлади. «Айтишга осон, қаерга яширган, худо билади. Каллангни ишлат, қарз сўраб борганинда холанг доим қуфлоглиқ туралган омборхонадан олиб чиқиб берганди-ку! Ҳа-ҳа, пуллари омборхонада!»



...Лотереяларни сотиб олди. Уйига келгач, омадини синая кўрди. Ютуқ йўқ. Аччиқ қилиб йиртиб ташламоқчи бўлди-ю, яна бир назардан ўтказди. «Ие, мана бунисида биттагина "Е" ҳарфи кам экан, "Г" ҳарфини "Е"га айлантирсам, хўш, ютуғи қанча экан?, 50 млн. сўм!» У шомасдан ручка билан "Г" ҳарфини "Е"га айлантириб, лотереясини бир зумда ютуқлига айлантирди.



Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 13-oktabr, №41 (1030)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олиншини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгилансин.

Давлат органлари, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар:

ўз фаолиятида юқорида кўрсатилган талабни ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги таъминлигининг сўзсиз амалга оширилишини таъминласинлар;

ўз вазифалари ва ваколатларининг танқидий таҳлили асосида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ҳамда уларга йўл қўйилмаслик борасидаги чора-тадбирларни такомиллаштиришга ва уларнинг самарадорлигини оширишга доир асосланган таклифларни икки ой муддатда, белгиланган тартибда киритсинлар;

тадбиркорлик фаолиятига қонунига хилоф равишда аралашганлик ва тўсиқлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига етказилган

зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминласинлар.

2. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Комплекс чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик вазириликлар ва идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари зиммасига юклансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб:

тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади, юридик шахсларнинг тугатилаётганида, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари бўйича берган муқофалари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар бундан мустасно;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинади;

молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимдари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда, инсоннинг соғлиги ва ҳаётига зарар етказилган ҳолатлар бундан мустасно, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялар (пенядан ташқари) қўлланилишидан озод этиладилар;

/Давоми 2-бетда/

Марказий сайлов комиссиясида ЕХХТ Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси экспертлари билан учрашув бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайлов департаменти раҳбари Александр Шлик бошчилигида мамлакатимизга ташриф буюрган Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси (ЭБМ) экспертлари билан учрашув бўлиб ўтди.



Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов экспертларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Марказий ҳамда округ сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берди.

Ўзбекистонда Президент сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказиш очиклик ва ошқоралик тамойиллари асосида амалга оширилмоқда. Сайлов кампанияси билан боғлиқ барча материаллар Марказий сайлов комиссияси сайтига жойлаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президент сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ҳамда округ сайлов комиссиялари матбуот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Марказий сайлов комиссияси йнгилишлари онлайн шаклда ўтказилмоқда.

ЭБМ экспертларининг фикрича, Марказий сайлов комиссияси томонидан бўлажак сайловларни кузатиш юзасидан ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросига таклифноманинг ўз вақтида юборилгани халқаро сайлов стандартлари талабларига тўла мос келади.

Марказий сайлов комиссияси фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчиллик билан такомиллаштирмоқда. Бунда халқаро кузатувчилар, хусусан, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг ўтган сайловлардаги кузатувлари натижалари бўйича тавсиялари инобатга олинмоқда.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгаришлар, жумладан, сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республи-

каси Президенти номзодини қўллаб-қувватлаш учун сайловчиларнинг зарур имзолари 5 фоиздан 1 фоизга камайтирилганини ижобий баҳолади.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси экспертлари Марказий сайлов комиссияси томонидан округ сайлов комиссиялари вакиллари учун ўтказилган онлайн семинар-тренингларга ҳам юқори баҳо берди.

Учрашувда ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси экспертлари фаолиятини самарали ташкил этиш, икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Бехўд Бозоров, ЎЗА

Тошкентда XII Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси оғинди



Пахта бўйича халқаро консултатив кўмитанинг энг муҳим тадбирлари реестрига киритилган ушбу ярмарка дунё миқёсида пахта бозори сиёсатини белгиловчи нуфузли анжуманлардан биридир.

Биринчи Президентимиз Исроол Каримов ташаббуси билан 2005 йилдан буён аънанавий ўтказиладиган ярмарка "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси, "Ўзбекингилсаноат" акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазириликлари, Товар-ҳомашё биржаси ва "Сифат" маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Халқаро пахта уюшмаси, Пахта бўйича халқаро консултатив кўмита, "Cotton Outlook" халқаро ахборот агентлиги ва Халқаро тўқимачилик махсулотлари ишлаб чиқарувчилар федерацияси сингари нуфузли ташкилотлар билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўзбек пахта толасига бўлган эҳтиёж жаҳон бозоридан мунтазам ортмоқда. Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси иштирокчилари йил сайин кўпайиб бораётгани ҳам шундан далолатдир. Мисол учун, 2005 йилги дастлабки ярмаркада 30 мамлакатдан 170 га яқин компания вакиллари қатнашган бўлса, 2010 йилда 34 давлатдан 300 дан зиёд фирма ва компания мутахассислари иштирок этди. Бу йил анжуманга 40 дан зиёд давлатдан вакиллар қатнашмоқ-

да. Айни вақтда ўзбек пахтасини етказиб бериш кўлами тобора кенгайиб, дунёнинг янги-янги минтақалари камраб олинмоқда.

"Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси раиси А.Камолов, "Ўзбекингилсаноат" акциядорлик жамияти раиси И.Ҳайдаров ва бошқалар Ўзбекистон жаҳон пахта бозоридаги етакчи мамлакатлардан бири бўлиб, пахта ишлаб чиқариш бўйича дунёда олтинчи, экспорт бўйича бешинчи ўринда туриши, экспорт имиджини мустаҳкамлаш учун кенг қўламли ишлар қилингани, жаҳон бозорида рақобат кучаётган хозирги шароитда ўзбек пахта толасининг рақобатбардошлигини янада ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

/Давоми 7-бетда/

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатда етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва рухсат этувчи зарур ҳужжатларни расмийлаштирган тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилади;

тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидagi жиноий жазо қўлланилмайди;

хорижий инвестициялар иштирокидаги янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига уларни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида амалда бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини (ресурс ва боғжона тўловлари бундан мустасно) беш йил мобайнида қўллаш ҳуқуқи берилди;

тадбиркорлик субъектлари ҳақамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берган тақдирда давлат божи тўлашдан озод этилади;

тадбиркорлик субъектларининг экспорт контрактларини давлат боғжона хизмати органларида ҳисобга қўйиш борасидаги талаб валюта назорати органлари томонидан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали ташқи савдо контрактлари назорати ва мониторингини сақлаб қолиш шarti билан бекор қилинади, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармонининг 1, 2 ва 4-иловаларида назарда тутилган товарларни экспорт қилиш бўйича контрактлар мустасно;

экспорт қилинаётган товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат илгари худди шундай товар учун айнан сертификат олган аризачига бир иш куни мобайнида берилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига қуйидаги асосий ваколатларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш тавсия этилсин;

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текшириляётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш;

тадбиркорлик фаолияти эркинлигини

нинг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқариляётганлигини ўрганиш;

қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаш;

давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларга йўналтирилган асосланган таклифлар киритсинлар:

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш харажатларини камайтириш, масофавий назоратни кенг жорий этиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириши таъминлайдиган солиқ маъмуричилиги сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш;

республиканинг экспорт салоҳияти ўсишини, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этишни ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириши рағбатлантирадиган валютани тартибга солишнинг ва валюталар курси сиёсатининг илгор бозор механизмларини жорий этиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолияти юзасидан қисқа муддатли текширишларни тайинлаш ва ўтказишнинг аниқ ҳуқуқий асослари ҳамда мезонларини назарда тутилган ҳолда қонун ҳужжатларини янада тақомиллаштириш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг камерал назорати самарадорлигини ошириш орқали текширишларни ўтказиш сони ва муддатларини қисқартириш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва қонунга итоаткор тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолияти кафолатларининг асосий механизмларидан бири сифатида аудиторлик ташкилотлари ва солиқ маслаҳатчилари кўрсатаётган хизматлар сифати ва тақдим этаётган хулосаларининг ҳаққонийлиги учун жавобгарликни кучайтириш юзасидан улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш;

банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий таъминлари ва механизмларини жорий этиш, давлат органлари томонидан тижорат банклари фаолиятига, биринчи навбатда, кредит сиёсатида маъмурий аралашувларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик;

банкнинг самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи говларни тугатиш, шунингдек, мижозларнинг ўз пул маблағларини эркин тасарруф

этиш ҳуқуқи тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлаш.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

барча техник талабларни (санитария, экология, шахарсозлик нормалари ва қоидалари, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар ва техник нормативларни) хатловдан ўтказсин ҳамда илгор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда самарасиз, эскирган ва бозор механизмларининг ўрнини эгаллаб олган нормаларни бартараф этадиган тегишли норматив ҳужжатларни ишлаб чиқсинлар ва қабул қилсинлар;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги амалдаги норматив ҳужжатлардан монеликсиз ва бепул фойдаланиш имконини бериш мақсадида уларнинг жаҳон Интернет ахборот тармоғидаги ўз расмий веб-сайтларида жойлаштирилишини ва доимий янгилаб борилишини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимларига нисбатан маъмурий жазоларни қўллаш борасидаги функция ва ваколатларини босқичма-босқич суд органларига ўтказиш юзасидан таклифлар киритсинлар;

иқтисодий жиноятлар содир этиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашини оқибатида етказилган зарарни аниқлашнинг асосланган ягона мезонлари ва асосларини ишлаб чиқсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий суд, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

фуқаролар ва тадбиркорларнинг, энг аввало, давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга, шунингдек, коррупция тусидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга қаратилган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини;

жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ норма-

ларини янада либераллаштириш бўйича таклифларни;

қонун ҳужжатларига, энг аввало, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашга, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашини ва уларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилишига йўл қўймасликка қаратилган, кўзғатилган жиноят ишлари бўйича молия-ҳўжалик фаолияти текширувларини (тафтишларни) тайинлаш, ўтказиш ва уларнинг муддатини узайтиришнинг аниқ процессуал тартиби белгиланишини назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни белгиланган тартибда киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди тадбиркорлар ҳуқуқларининг суд орқали ишончли ҳимоя қилинишини, шаффоқлик ва холисликни таъминлаш мақсадида уч ой муддатда суд мажлисларига аудио ва видео қайд этиш механизмлари босқичма-босқич жорий этилишини, шунингдек, қабул қилинган суд қарорлари веб-сайтларда жойлаштирилишини назарда тутувчи дастурнинг ишлаб чиқилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда тадбиркорлик субъектларига фақат давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказлар орқали "ягона дарча" таъминли асосида кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш юзасидан таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда рухсат бериш тартиб-таомиллари, лицензия бериш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қанчалик мувофиқлигини танқидий ўрганиш асосида Вазирлар Маҳкамасига эскириб қолган ва замонавий талабларга жавоб бермайдиган рухсат берувчи ҳужжатларни бекор қилиш ҳамда рухсат бериш тартиб-таомилларининг муддатларини қисқартириш юзасидан таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммаларига юксалин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
вазифасини бажарувчи

Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2016 йил 5 октябр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида

ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қабул қилинган Фармони, энг аввало, хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга йўналтирилган ва ушбу соҳада давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишдан далолат беради.

Хусусан, Фармон «кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига арашувни тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик»ни энг муҳим устувор йўналиш ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида мустаҳкамлайди.

Ушбу мақсадларда давлат органларига, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмаларга:

ўз фаолиятида белгиланган талабларнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги таъминлигини таъминлаш, шу муносабат билан ўз вазифаларини ва ваколатларини танқидий қайта кўриб чиқиш;

тадбиркорлик фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашганлик ва тўқсинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига etkazилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлаш топширилди.

Ушбу норма давлат органларига айбдор ходимларга нисбатан нафақат интимиш, маъмурий ёки жиноий жавобгарликнинг энг қатъий чораларини қўллаш мажбуриятини юклагани қолмасдан, балки тадбиркорлик субъектларига etkazилган зарарнинг бевосита ушбу ходимлардан ундирилишини таъминлашни ҳам юклайди.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ноқонуний текширишларни ташкил этишга ва уларни ўтказишга, айниқса, давлат органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида тадбиркорлик субъектларининг фаолияти асоссиз тўхтатилишига ва зарар etkazилишига йўл қўймасликка йўналтирилган.

Фармонда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашадиган ишончли ҳуқуқий кафолатларини таъминлашга йўналтирилган давлат назоратининг принциплари жиҳатдан янги бир қатор механизмлари белгиламоқда.

Жумладан, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидаги илгари кўрилмаган чоралар жорий этилади:

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади, бундан юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, шунинг-

дек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар мустасно;

шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинади.

Шундай қилиб, назорат қилувчи органлар эндиликда режадан ташқари текширишлар ўтказишни ташкил қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизmlарини таъминлаш мақсадида фақат жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида қисқа муддатли текширишлар ўтказишнинг чекланган имконияти сақланиб қолади. Бундай текшириш фақат Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказилиши мумкин ва текшириш муддати бир иш кунини билан чекланган.

Шу билан бирга, Фармон маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш йўлини давом эттириб, молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимларини ҳамда тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга ошираётган шахсларни, улар томонидан etkazилган зарарни қоплаган ва ҳуқуқбузилиши оқибатларини белгиланган муддатларда ихтиёрий бартараф этган тақдирда, жавобгарликнинг барча турларидан озод қилиш каби тубдан янги чораларни назарда тутди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўллаш тақиқланган.

Кўрсатиб ўтилган нормалар тадбиркорлик субъектларини икки марта жазолашни истисно этибгина қолмай, балки биринчи марта ҳуқуқбузарликни содир этган ва ўз айбини ювган фуқароларга ўзининг тадбиркорлик фаолиятини салбий оқибатларисиз давом эттириш имконини беради, бу чора уларнинг ишбилармонлик фаоллигини рағбатлантиришга ҳам йўналтирилган.

Шу муносабат билан Жиноят кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, Солиқ кодексига ва бир қанча бошқа қонунларга тегишли ўзгартiriш ва қўшимчалар киритилди.

Республиканинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун ҳоржий инвестициялар иштирокидаги янгидан ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарига беш йил мобайнида улар рўйхатдан ўтказилган санада амалда бўлган солиқ ставкалари ва бошқа мажбурий тўловларни қўллаш ҳуқуқи берилди.

Шуни қайд этиш зарурки, ушбу имтиёз инвестиция сифатида киритилган маблағлар миқдоридан қатъи назар ҳоржий инвестициялар иштирокидаги барча корхоналарга татбиқ этилади.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунлар

ижроси устидан Парламент назорати шакллари кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вали институтини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Ҳорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ушбу институт тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш таъминлашда, давлат тузилмалари билан муносабатларда уларнинг манфаатларини ифодалашда муҳим ўрин тутди.

Фармон қондаларини амалда рўйба-қарши мақсадида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш борасида бешта энг устувор соҳа бўйича 42 та аниқ чора-тадбир амалга оширилишини назарда тутувчи Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Хусусан, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлигидаги маъмурий тўқсинларни бартараф этиш, давлат ресурсларидан фойдаланишнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш доирасида умумий эътироф этилган халқаро стандартлар асосида бир қатор қонунларни, шу жумладан, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида», «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида», «Давлат харидлари тўғрисида» ва «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш назарда тутилмоқда.

Дастурга мувофиқ, жиноят ишлари бўйича текширишларни тайинлаш ва ўтказиш тартибининг аниқ ҳуқуқий тартибининг белгилаш учун «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунга, Жиноят-процессуал кодексига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартiriш ва қўшимчалар киритилади.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тадбиркорлик субъектлари фаолиятига, шу жумладан, жиноят ишлари доирасида тергов қилишни амалга оширишда ноқонуний аралашуш имконини берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга кўмаклашади.

Бундан ташқари, Дастур тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ жиноят қонунчилиги нормаларини янада эркинлаштириш, жиноятлар содир этилиши натижасида etkazилган зарарни аниқлашнинг, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашушнинг ягона мезонлари ва асосларини белгилаш тўғрисида тақлифлар ишлаб чиқилишини назарда тутди.

Солиққа тортиш тизими ва боғжона ишини такомиллаштириш, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини ва халқаро рейтингини ошириш соҳасида Дастурда қуйидагиларга йўналтирилган тақлифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқилишига доир тадбирлар мўлжалланган:

валютани тартибга солиш ва валюталар курси сиёсатининг илгор бозор механизмларини, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, банк фаолиятини самарали амалга оширишга тўқсинлик қилувчи фовларни бартараф этиш;

солиқ маъмуричилигининг сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш; тадбиркорлик субъектларининг экспорт контрактларини боғжона органларидан ҳисобга қўйиш тўғрисидаги талабни бекор қилиш;

ҳуқуқбузилишларининг олдини олишнинг асосий механизмларидан бири ва қонунга иттифоқ тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолияти кафолати сифатида аудиторлик ташкилотлари ва солиқ маслаҳатчиларининг хизматлар сифати учун жавобгарлигини ошириш ва улар томонидан тақдим этиладиган хулосаларнинг ишончлилиги юзасидан улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Дастурда тадбиркорлик субъектларига ва уларнинг ходимларига нисбатан маъмурий жазоларни қўллаш борасидаги вазифа ва ваколатларни босқичма-босқич суд органларига ўтказиш йўли билан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилишни кучайтириш чоралари режалаштирилган.

Ушбу чоранинг амалга оширилиши тадбиркорлик субъектини текширган назорат қилувчи орган томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни мустақил кўриб чиқиш ва бу орқали маъмурий ишларни кўриб чиқишдаги бетарафлик ва холисликка таъсир кўрсатувчи амалиётнинг бартараф этилишига йўналтирилган.

Дастур, шунингдек, ҳўжалик судлари тизимига суд мажлисларини аудио ва видео қайд этиш механизмларини жорий этиш тадбирларини, қабул қилинган қарорларнинг веб-сайтларда эълон қилинишини, ҳакамлар суди қарорларини мажбурий ижро этишга ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза беришда тадбиркорлик субъектларини давлат божи тўлашдан озод этишни ҳам ўз ичига олади.

«Электрон ҳуқумат» тизимини жорий этиш доирасида давлат органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлигининг бевосита мулоқот қилмайдиغان шакллари кенгайтириш бўйича комплекс тадбирлар мўлжалланган. Хусусан, Дастур тадбиркорлик субъектларига фақат давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказлар орқали «ягона дарча» тамойили асосида кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини кенгайтиришни назарда тутди.

Шу билан бирга, илгор ҳорижий тажрибани инобатга олган ҳолда техник талаблар (санитария, экология, шахарсозлик нормалари ва қондалари, ёнғин хавфсизлиги қондалари, стандартлаштириш ва бошқалар) каби махсус норматив ҳужжатларни, самарасиз, эскирган ва бозор механизмларининг ўрнини эгаллаб олган нормаларни бекор қилиш юзасидан танқидий қайта кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Фармоннинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий омилли сифатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги маъмурий фовлар ва сунъий тўқсинларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан белгиланган йўлнинг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш имконини беради.

Мамлакатимизда одам савдоси билан шуғулланган шахсларга жавобгарликнинг муқаррарлиги, мазкур жиноятдан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик борасида кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани барчага маълум.

«Хорижда ишлайман», деб...

Сурмаҳон СУЛТОНОВА,
Наманган вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Трансмиллий жиноятнинг илдизи замирида одамийликдан буткул йироқ бўлиш, фақат ўз нафси, манфаатидан ўзгани кўрмаслик, бу йўлда ҳатто бошқа жиноятларни содир этишдан ҳам тоймай диган даражадаги жиҳатлар ётади.

"Хорижда ишлайман", деб ният қилган, аслида эса ўзи отланаётган давлат тилини ҳам билмайдиган, мўмай даромад келтирадиган иш топишни ўйлаётганлар бу жиноят билан шуғулланаётганларнинг тузоғига осонгина илиниб қолишмоқда.

Ака-ука Бобур, Назар ва Уктам Турғунлиевлар ҳам мўмай даромад ваъда қилаётган Элдор Асилоннинг сўзларига лақа тушиб, ўзлари ишлаб турган жойдан бўшаб, 2015 йилнинг июнь ойида хорижга чиқиб кетган эдилар. Улар ўшанда эртанги кунни ўйламадилар, "Одам савдоси", деган атаманинг гарчи бугун ёки кеча пайдо бўлмагани, йиллар давомида бу иллатнинг азобини минг-минглаб кишилар тотиб келишартиганидан ҳам хушёр тортишмади. Оқибатда, Қозоғистоннинг Остона шаҳрига бориб қолган йигитлар мисли қўрилмаган азоб-қуқбатларга рўбарў бўлишди. 7 минг АҚШ доллари эвазига ишлаш учун отланган ака-укалар ваъда қилинган етарли шарт-шароит, бепул ётоқ ва озиқ-овқатлар билан атиги бир ҳафтагина яхши яшадилар. Бир ҳафтадан сўнг ҳатто уларнинг турар жойини ҳам олиб қўйишди. Оға-инилар шу дамдаёқ ўз юрларидаги осмон-осмон орзуларининг чаппа кетганини англашди.

Ватандаги тинч-осойишта ҳаёт, ота-она, оилалари, фарзандлари, хотиржамликларини кўмсай бошладилар, қадрини ҳис этдилар.

Жисмоний меҳнатнинг оғирлигидан унчалик хафа бўлишмади, "шунга яраша ҳақ оламиз-да", деган ўй тинчлантариди уларни. Аммо ўтаётган ойлار уларнинг бу умидларини ҳам сўндирга бошлаганди.

Йигитларни ишга жойлаштириб кетган Э.Асилондан эса дарак йўқ, "бир ҳафтада келаман", деган гапи ҳам буткул ёлғонлиги энди уларни шубҳалантирмасди. Кўрсатилган объектни битказиб бўлишганда эса ночор шароит уларга ўз таъсирини ўтказиб бўлганди. Уктамнинг тоби қочди. Уй эгаси "Альбина" дан пул сўрашганди: "Мен сизлар билан келишмаганман, фақат Элик билан гаплашаман", деган жавобни олишди. Ака-укалар тунлари бошқа объектларга чиқиб ишлаб, йиққан пуллари билан укани уйга жўнатишди. Аммо вазият тобора ёмонлашиб борар, ҳар икки "ишчи"нинг ҳолатини яхши, деб бўлмасди. Ука кетган, ҳеч қанча вақт ўтмай Назар томдан йиқилиб тушди. Бобур яна Альбинадан иш ҳақларини сўради. Анчикланиб, дўк-пўписа қилди. Қозоқ аёл шундагина "ёрилди":

— Сенларни бу ерга ишлаш учун олиб келган мен эмасман. Сенлар билан келишув ҳам қилмаганман, сенларни пулингни ўз ҳамюртинг Элдор олиб кетган.

Бу каби ҳодисалар учраб тураркан, нафақат жиноятчилар, балки уларнинг алдо-вига тушиб қолаётган юртдошларимизни ҳам оқлаб бўлмайди. Ахир юртимизда ишлайман, деган фуқароларнинг топганлари, шарт-шароитларига ҳавас қилиш мумкин-ку?

Жиноят жазосиз қолмайди. Суд томонидан Э.Асилон қилишига яраша жазосини олди. У беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.


Масъулиятсизлик оқибати

Ҳар қандай меҳнат жамоасида талаб этиладиган муҳим шартлардан бири ишчи-ҳодимларнинг амалаги қолаалар асосида хавфсиз ишлашига шароит яратиш ҳисобланади. Ана шундагина меҳнат жамоаларида кўнгилсизлик рўй бермайди.

Лекин ҳаётда ҳамма нарса ҳам биз ўйлагандек амалга ошавермайди. Баъзида йўл қўйилган кичик эҳтиётсизлик оқибатида тузатиб бўлмас фожиа рўй бериши мумкин. Шу боис бу ҳолат оддий ишчидан тортиб, мансаб эгаларигача барчани ташвишлантириб, хушёрликка ундамоғи лозим.

Жиззах шаҳрида "Master dilding products" МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси фаолият кўрсатади. Бу корхонанинг ишга туширилиши кўлаб янги иш ўринлари яратиб, юртдошларимизнинг муқим иш ўрнига эга бўлишни таъминлагани эътиборга лойиқ.

Ушбу корхонада Жиззах туманида яшовчи Зоҳид Тожибоев цех устаси вазифасида ишларди. Корхонада техника хавфсизлиги рия қилиш бўйича масъул шахс ҳисобланган З.Тожибоев ўз вазифасига масъулиятсизлик қилди. Хавфсиз меҳнат қилиш қондасини тўғри ташкил этилмагани оқибатида цех иш-



чиси Шаҳзод Қувватов иш жараёнида оғир тан жароҳати олиб, вафот этди.

Ишчиларнинг хавфсиз меҳнат қилиш шароитини тўғри ташкил этмаганлиги, техника хавфсизлиги қондаларига рия этилишида тегишли талабларга амал қилмагани учун З.Тожибоев айбдор, деб топилди.

Ишни кўриб чиққан суд З.Тожибоевга 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Муҳаббат ҲАРАЛИЕВА,
Жиззах вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Мазкур ҳолат шу сингари барча меҳнат жамоаларидаги масъул ҳодимларни хушёрликка, эҳтиёткорликка чорламоғи лозим. Қачонки техника хавфсизлиги қондалари тўғри тушунтирилиб, хавфсиз меҳнат қилиш шароити яратилса, ҳеч қачон бахтсиз воқеалар содир этилмайди. Буни унутишга ҳеч қимнинг ҳақи йўқ. Чунки мустақил диёримизда инсон азиз, ҳамма савий-ҳаракатлар унинг бахтли яшашига хизмат қилади.

Таҳлил ва тадбир

Обиджон СОБИРОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи



Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муқим ва юртимиздаги Қонуни талабларидан келиб

чиққан ҳолда моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаганларни моддий таъминлаш борасида чиқарилган суд қарорлари ижросининг таъминлаши ва бу борада амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

Вилоят прокуратураси органларига жорий йилнинг ўтган даври давомида суд қарорларининг ижроси билан боғлиқ 2960 та муқим вақт келиб тушган. Уларда тилга олинган суд қарорларининг ижро этилиши, шу жумладан, алимент ундириш билан боғлиқ қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан ҳудудларда доимий ишчи гуруҳлари тузилди.

Алимент билан боғлиқ ижро ҳужжатларининг ижроси тўлиқ хатловдан ўтказилди. Ушбу жараёнда 559 та ҳолатда эр-хотин яраштирилиб, оилалар тиклангани, 380 та ҳолатда фарзандлари вояга етгани ва мавжуд қарздорлиги бўлмагани муносабати билан ижро ишлари таъминлаши таъминланди. Шунингдек, 1390 нафар қарздор ишга жойлаштирилиб, уларнинг алиментдан қарзлари иш ҳақларига қаратилди. Тадбир мобайнида ижро ҳужжатлари бўйича жами 1 млрд. 800 млн. сўм миқорида алимент пуллари ундириб берилди.

Тарғибот муқим аҳамиятга эга

Бугун мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган алоҳида ғамхўрлик, эътибор натижасида улар жамият ҳаётининг барча жабҳасида улкан ютуқларга эришиб, ўзларини шу азиз юртнинг муносиб фарзандлари эканликларини намоён этмоқдалар.

Ёшларни қаровсиз қолдирмаслик, улар ўртасида турли кўнгилсизликлар ва жиноятчиликларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жойларда, таълим масканларида турли учрашув, семинар ва давра сўхбатлари ўтказиб келинмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаментининг Бўхоро вилоят бошқармасининг ташаббуси билан "Бўхоро тиббиёт коллежи"да бўлиб ўтди. "Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини

олишда ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратининг аҳамиятли жиҳатлари" мавзусида ўтказилган давра сўхбатига "Қамолот" ЁИХ, "Маҳалла" жамоат фонди вакиллари, талаба-ёшлар ва ОАВ ходимлари иштирок этишди. 400 га яқин талабаларни қамраб олган ушбу учрашувда юртимизда ёш авлод вакиллари яратилаётган имкониятлар, тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган йигит-қизларга берилётган солиқ имтиёзлари ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

Шунингдек, "Ёшларга оид давлат

сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти, уни ҳаётга татбиқ этишда ёшлар зиммасига юклатилган устувор вазифалар хусусидаги маърузалар тингланди. Тадбирда сўзга чиққанлар ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда таълим масканлари, ота-оналар билан бир қаторда, маҳаллаларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти муқим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Тадбир давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрофлича жавоблар олишди.

Илғор хорижий тажрибага мос ҳуқуқий асос

Маълумки, жорий йилнинг 16 сентябрида "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши жамиятимизда қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашда ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда муҳим қадам бўлди.

Ушбу қонун бир қатор ўзига хос принципиал жиҳатлари билан тавсифланиши ҳисобга олиб, унинг қуйидаги жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш мақсада мувофиқ.

Биринчидан, мазкур қонун Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунида эътироф этилган бир қатор принцип ва нормаларни ўзида мужассам этган. Чунончи, Конституция-мизнинг 2-моддасидаги давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги оид конституциявий қоида қонунда ўз аксини топган ички ишлар органларининг асосий вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишлари сингдирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинишига ва уларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлар дахлсиз эканлиги мазкур қонуннинг ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари, ички ишлар органларининг мажбуриятлари каби бир қатор нормаларида мужассам бўлган.

Шунингдек, давлат фаолияти ижтимоий адолат ва қонунийлик принципларига асосланиши ҳамда Конституция ва

қонунлар устуниги сўзсиз тан олиншига оид конституциявий қоидалар қонуннинг 6-моддасидаги қонунийлик принципи мазмунида ўз ифодасини топган. Шу билан бир қаторда Конституция-мизда белгиланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг асосий кафолатлари юқоридаги қонунда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиши ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш принципи орқали ҳам мустақамланди.

Иккинчидан, мамлакатимизда суд, прокуратура, мудо-фаа, нотариат, божхона, солиқ, суд ихро департаменти ва шу каби бошқа органлар фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунлар қабул қилинган ва уларда мазкур органларнинг ҳуқуқий мақоми, вазифа ва функциялари, фаолият принциплари, тизими, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган эди. Ушбу соҳадаги қонунлар авваламбор, инсон ва фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Айни дамда ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи махсус қонуннинг қабул қилиниши ҳам ушбу тизимни янада такомиллаштиришга ҳамда қонунчиликдаги бўшлиқни тўлдирishга хизмат қилди.

Учинчидан, ушбу қонун мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демок-

ратлаштириш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг энг устувор йўналишларига ҳамоханг, бу борада тўпланган ижобий тажрибани тўлиқ ўзида мужассам этган ҳолда қабул қилинганлиги эътиборга сазовор. Хусусан, қонун бир томондан, ички ишлар органлари фаолиятига оид ҳуқуқий асосларни янада мустақамлайди ва "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги, "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги, "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги ҳамда ушбу соҳадаги бошқа қонун ҳужжатлари билан биргаликда соҳага доир яхлит қонунчилик тизимини шакллантиради. Бошқа томондан, қонуннинг очиклик ва шаффоқлик принципи "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Қонун, ички ишлар органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлигига оид норма "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун, фан ютуқларидан, замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан фойдаланиш тўғрисидаги мезёр "Электрон ҳуқумат тўғрисида"ги Қонун талабларини ушбу соҳанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда татбиқ этишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Тўртинчидан, қонунни ишлаб чиқишда энг илғор ва замонавий халқаро тажриба эътиборга олинганлиги диққатга сазовор. Хусусан, АҚШ-да ушбу муносабатларни тартибга солишга қаратилган Тезкор тадбирларни юртиши бўйича йўриқнома ва Полиция ходимлари ҳалоллигини таъминлаш принципларида полиция томонидан шахсларни

ушлаб туриш, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуроли қўллаш шартлари белгиланган бўлиб, ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонунининг 5-бобини ишлаб чиқишда эътиборга олинган.

Ўхд, Буюк Британиянинг 1996 йилги "Полиция тўғрисида"ги ва 2001 йилги "Жиноят соҳасидаги одил судлов тўғрисида"ги Қонунларида ҳам полиция органларида хизматни ўташ тартиби ва шартлари, полиция ходимлари устидан шикоятларни бериш ва қўриб чиқиш тартиби каби масалалар тартибга солинган бўлиб, ушбу тажрибадан Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонунининг 6-бобини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Шу билан бир қаторда Франциянинг "Миллий полиция Этика кодекси"да ва Испаниянинг "Испан полицияси Этика кодекси (Испан полицияси учун раҳбарий принциплар)"да белгиланган полиция ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ахлоқига оид айрим талаблар Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонунининг ички ишлар органларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқларига бағишланган 3-бобда ўз аксини топган.

Оқоридагилардан ташқари, Польшанинг "Полиция тўғрисида"ги Қонунида ҳам полиция ходимларининг хизматни ўташи, моддий ва маънавий рағбатлантирилиши, ижтимоий таъминоти, интизоми, масъулияти ва жавобгарликка тортиш асослари каби муҳим масалалар ўз аксини топ-

Шероз ХАБИЛЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти
етақчи илмий ходими

ган бўлиб, айни дамда Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонунида ҳам ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби ва шартлари ҳамда ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишга оид нормаларида тартибга солинганлиги эътиборга лойиқ.

Еки бўлмаса, Хитойнинг "Халқ полицияси тўғрисида"ги Қонунига мурожаат этилган бўлсак, унда полициянинг функция ва ваколатлари, мажбуриятлари ва интизоми, тизими ва бошқаруви, фаолият кафолатлари, қонун ижроси устидан назорат, юридик жавобгарлик каби масалалар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган. Ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонуни ишлаб чиқишда ҳам фойдаланилган.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи махсус қонун ҳужжати қабул қилиниши мамлакатимизда қўқун-тартиботни, қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга, ички ишлар органлари фаолияти самардорлигини янада оширишга, модернизация қилишга ҳамда юртимизда амалга оширилётган кенг қўламли комплекс ислохотлар билан ҳамоханг ҳолда ривожлантиришга хизмат қилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тизими такомиллашмоқда

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида қайд этилганидек, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишисизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Бу амалда мамлакатимиз фуқароларининг меҳнат ҳуқуқларининг таъминланиши, пировардида ҳар биримизнинг меҳнатимиз самарасидан баҳраманд бўлиш, фаровон турмуш кечирishiимиз учун кенг имкониятлар яратмоқда.

2016 йил 23 сентябрда матбуотда эълон қилинган янги тахрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Қонун матбуотда эълон қилингандан кейин уч ой ўтгач қучга кирди.

— Мазкур қонун Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини 2014-2016 йилларда амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар доирасида ишлаб чиқилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шартларининг экспертизаси бошқармаси бош мутахассиси Олим Ашуров. — Соҳадаги илғор хорижий тажриба ва халқаро талаблардан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган янги тахрирдаги

қонун аввалгисидан фарқ қилади.

Қонун 36 моддадан иборат бўлиб, унда иш бевуқилар ва ходимларнинг ушбу соҳага доир талабларни бажариши бўйича масъулияти кучайтирилган. Меҳнат шариоити ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли шариоитлар яратилиши устидан назоратни таъминлашга доир вазифалар белгиланган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларида ходимнинг ҳаёти ва соғлиги устуворлигининг таъминланиши бош омил этиб белгиланган. Бу қонуннинг халқчиллигидан далолат бериб, инсон манфаатларини таъминлашди. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат дастурлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти мувофиқлаштириб борилади.

Ходимларни ҳимоя қилувчи хавфсиз техника, технология ва воситаларнинг ишлаб чиқиши ва жорий этилиши рағбатлантирилади. Фан ва техника ютуқларидан ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича илғор миллий ва хорижий тажрибадан фойдаланилади. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланган ёки касб касаллигига чалинган ходимлар ижтимоий ҳимоя қилинади. Бу йўналишда изчил халқаро ҳамкорлик амалга оширилади.

Қонунда иш ўринларини меҳнат шариоитлари бўйича аттестациядан ўтказиш, меҳнатнинг муҳофаза қилиниши бошқариш тизими аудити, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллигига чалинишни текшириш ҳамда ҳисобга олиш масалаларига оид янги тушунчалар киритилган.

Қонуннинг 14-моддасида иш ўринларининг меҳнат шариоитлари бўйича аттестацияси масаласи ўрин олган. Бу меҳнат шариоитининг огирлиги, жароҳатланиш жиҳатидан хавфлигини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш, зарарли ёки хавфли ишлаб чиқариш омиллини аниқлаш мақсадида ўтказилган тадбирлар мажмуидир.

Қонуннинг 15-моддасида меҳнат-

нинг муҳофаза қилинишини бошқариш тизими аудити масаласи акс этган. Бу меҳнатни муҳофаза қилиш тизими ҳолатини баҳолаш бўлиб, у иш бевуқчининг қарорига биноан ўтказилади. Бунда бу борадаги ишларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги аниқланади. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг ишлаш сифати, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш даражасини камайтиришга қаратилган тадбирлар самардорлиги баҳоланади. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олишга қаратилган тақлифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилади.

Қонунда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллигига чалинишни текшириш ҳамда ҳисобга олиш масалалари аниқ тартибга солинган. Хусусан, қонуннинг 26-моддасига кўра, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва ходимларнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқа тарзда шикастланиши, шунингдек, касб касалликлари белгиланган тартибда текширилиши ҳам ҳисобга олиниши шарт.

/Давоми 8-бетда/

Маънавий иммунитетни кучайтириш — давр талаби

Ҳозирги даврда барча давлатлар, халқлар, элатларнинг равнақи ва келажагига таҳдид солаётган турли хавф-хатарлар мавжудки, уларга асло бепарқ қараб бўлмайди. Бу хатарлар умуминсоний, миллий, ахлоқий, диний, ҳуқуқий қадриятлар, демократик тамойиллар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, миллатлараро тотувлик, конфессиялараро бағрикенглик ҳамда умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг ашаддий қушандаси сифатида намоён бўлмоқда. Сўнгги йилларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиб бориши бу жараённи тезлаштириб юборди.



деотасвирларни узатиш, юклаб олиш, ҳатто теледастурларни тўғридан-тўғри томоша қилиш имкони бор. Айниқса, интернет ниҳоятда оммалашиб кетди. Бугунги кунда мазкур глобал тармоқ, таъбир жоиз бўлса, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган инсонларни бамисоли оҳанрабодек ўзига тортаяпти.

Ҳозир дунё аҳолиси орасида ҳаётини ана шу тармоқсиз тасаввур эта олмайдиغانлар, образли қилиб айтганда, глобал ўргимчак тўрига тушиб қолганлар сон-саноксиз. Сир эмаски, ҳаёон веб аудиториясининг жуда катта қисмини ёшлар ташкил этади.

Ҳўш, бу маълумотлар нима-лардан дарак беради? Маълумки, ахборот этакзининг турли воситалари мавжуд: босма матбуот, телевидение, радио, интернет... Бугун бу воситалар орасида ҳеч бири

тезкорликда интернетга тенглаша олмайди. Йилдан-йилга кенгайиб бораётган интернет олами, мукамаллашиб бораётган компьютер технологиялари, мобиль телефонлар маълумотлар излаш, олиш, узатишнинг ниҳоятда қулай воситалари бўлиши билан бирга, одамларга таъсир кўрсатишнинг ҳам кучли қуролига айланди. Тасаввур қилинг, кимдир ташвиқот аҳамиятига эга ахборотни юзма-юз мулоқот орқали бир кунда ўн кишига, бориинки, юз кишига етказар. Агар шу хабар интернетга жойлаштирилса-чи? Атиги бир неча лаҳзалар ичида ундан минглаб, миллионлаб одамлар хабардор бўлади. Уша маълумот эгулик йўлида тарқатилган бўлса-ку яхши, аммо бузғунчилик мақсадида глобал тармоққа жойлаштирилган бўлса-чи?.. Коса тагида ним коса

борлигини, бир қарашда бепарқ, тўғридай туюлган гаплар замирида аслида қанақадир ёвуз гоё яширин эканлигини ҳамма ҳам билвермайди. Айниқса, ҳали эътиқоди тўғри шакланмаган, дунёқараши тор, мустақил фикрга эга бўлмаган ўсмирлар ва ёшлар сирдан қараганда чиройли кўринган, лекин ичида ёвузлик, ажал яширин "гулдаста"га махлиё бўлиб, тўғри йўлдан озиллари мумкин. Шу тариқа турли террорчи гуруҳлар, диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолганлар дунёнинг ҳамма жойида топилади. Таассуфки, бизнинг ёшларимиз орасида ҳам ана шундай галамис кимсалар таъсирига тушиб қолганлар учрамоқда.

"Тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин" бўлган таҳдидларга нисбатан ҳамма жойда — оилада, мактабда, коллеж ва лицейда, олий ўқув юртида, керак бўлса, ҳар бири шундай хушёрлик кўрсатиш, доимий оғоҳлик талаб этилади. Бу борада бепарволик ва лоқайдлик ёмон оқибатларга олиб боришини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Интернетдаги турли сайтлар, номаълум кишилар билан танишув ва ёзишмалар, хуфиёна йўллар билан қаерлардан олиб келинган китоб ёки видеосўхбатлар таъсирини диний-экстремистик, террористик оқимлар таъсирига тушиб қолган баъзи бир ёшлар жинойий қилмишлари билан ўз ота-

Фарход ОМОНОВ,
Қамоққа олинганларни сақлаш ва жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат бўйича Қарши прокурори

оналари ва яқинларини, бирга яшаган маҳалладошларини қанчалар изтиробга солишганини, эҳтимол, сиз ҳам биларсиз. Адашган кимсалар миллатимиз, халқимиз шаънига номуносиб қандай ишларга қўл уришгани, отоналарининг тарбия борсидаги пушаймонликлари мамлакатимиз телевидениеси орқали бир неча бор кўрсатилди. Шундай экан, болаларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда уларга турли маънавий-ғоявий таҳдидларни ўз вақтида тушунтириб ва англайиб бориш ниҳоятда муҳим.

Ёш авлод онги ва қалбида миллий қадриятларимиз, асрлар оша эъозланиб келинаётган анъаналаримизга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини шакллантириш Ватанга муҳаббат уйғотишининг энг асосий омилларидан биридир. Хуллас, ўғил-қизларимизда ёт гоғларга, ахлоқсизлик кўринишларига нисбатан маънавий-мафкуравий иммунитетни кучайтириш учун оилада ҳам, таълимнинг барча босқичларида ҳам узлуқсиз равишда иш олиб бориш зарур. Зеро, маънавий-мафкуравий иммунитетни кучли инсон бузғунчи гоғлар таъсирига тушиб қолмайди.

Ёшлар тарбиясига бепарқ бўлмайлик

«Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз».

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти
Ислом КАРИМОВ

Бугунги кунда жамият ривожланиши ёшлар тарбиясига масъул шахслар олдида катта вазифалар қўймоқда.

Халқимизнинг миллий менталитетидан келиб чиқиб, ёшларимизни буюк аждодларимизга муносиб ворислар қилиб тарбиялаш мақсадида 1997 йилнинг 29 августида "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги ва "Таълим тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди. Ушбу ноёб ҳужжатлар ёшларга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб, ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашни назарда тутди. Миллий дастур эса кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўйбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, таълим дастурларини пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдига ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни ўз олдида мақсад қилиб қўйган.

Таълим тизимида амалга оширилаётган тўб ислохотлар натижасида бунёд этилаётган замонавий ўқув

масканларида ёшларимизнинг чуқур билим олиши, касб эгаллаши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Таълим жараёни тубдан ўзгармоқда. Ҳар бир талабанинг қизиқиши, қобилияти, билим олиш салоҳияти инобатга олинган ҳолда, таълим жараёнига замонавий педагогик усуллар жорий этилмоқда.

Мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий бепул таълим тизимининг жорий этилиши натижасида умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда тахсил олиш имкониятига эга бўлдилар. Мустақиллик йилларида меъморий қиёфаси ва техник таъминотида кўра олий таълим муассасаларидан қолишмайдиغان 1500 дан ортиқ янги коллеж ва лицейлар барпо этилди. Таълим соҳасини янада кенгрок ислох қилиш, ёшларимизнинг ҳар томонлама билими, етук ва баркамол бўлиб ўсишида, энг аввало, устувор вазифа сифатида унинг ҳуқуқий асосларини яратишди. Ушбу жараёнда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг қафоллари тўғрисида"ги ҳамда яқинда

қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунлар муҳим аҳамиятга эга.

"Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини жойларда амалга оширишга масъул бўлган органлар ва муассасалар вазифалари аниқ белгилаб берилди. Бундан ташқари, қонунда ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда манфаатларини, очик ва сифатли таълим олишини таъминлаш, ёш авлоднинг жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига қўмақлашиш, ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларни қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларни маънавий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, радикализм, зуравонлик ва шафқатсизлик гоғларидан ҳимоя қилиш, иқтидорли ёшларни ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ёшлар спортини, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш каби масалалар ҳам ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгиланган.

Шу йўнда, биз, катталар ташқаридан қириб келаётган маънавий таҳдидлар моҳияти ва ўшларимизни улардан асраш ҳақида тўла тасаввурга эга бўлишимиз даркор.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асаридан ҳар томонлама тўғри жавоб олиш мумкин.

Бугунги кунда "маънавий таҳдидлар" тушунчаси мафкуравий, гоғвий

Бехзод МИРЗАКАРИМОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Оҳангарон туман бўлими бошлиғи

ва ахборот хуружи кўринишларида намоён бўлмоқда. Ер қуррасидаги давлатлараро, миллатлараро муносабатларнинг кенгайиши, коммуникатив алоқа тармоғининг авж олиши туфайли ижтимоий ҳодисаларнинг ёйилиши тобора енгиллашиб бормоқда. Ижтимоий ҳодисаларни элтувчи восита сифатида радио, телевидение, интернет тармоғи, газета ва журналлардан, ёзиб олиб сақлаш ва қайта намоий қилишга мослашган магнитофон, видео, компьютерлар, флеш карта, уяли телефон, дисклардан фойдаланилмоқда. Ёшларнинг мафкуравий онги тўла шаклланмаганилиги, ҳаётий тажрибанинг камлиги, ижтимоий ҳодисалардаги "яхши" ва "ёмон" тушунчасининг нисбийлиги, ҳар хил ман қилиш ва тақиқларнинг моҳиятини англай олмаслик ёт мафкура элтувчиларига қўл келмоқда.

Бугунги кунда талаба ёшларни психологик ҳимоялаш, айнан ахборотлар оқимининг салбий оқибатларидан асраш, уларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бу каби салбий таъсирларнинг олдини олиш юзасидан давлат идоралари, жамоатчилик, маҳалалар, мактаб, олий ўқув юртларида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Шундай бўлса-да, ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борсидаги ишларни ҳали етарли деб бўлмайди.

/Давоми 12-бетда/

Тошкентда XII Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўшланди

Давоми. Бошланғичи 1-бетда/

"Cotton Outlook" халқаро ахборот агентлиги бош муҳаррири Р.Батлер ўзбек пахта толаси халқаро стандартларга тўла жавоб бериши, тола ишлаб чиқариш даражаси барқарор сақланаётгани истеъмолчиларга мақбул келаятганини алоҳида қайд этди. 42 мамлакатни бирлаштирган Пахта бўйича халқаро консалтинг кўмитанинг бошқарувчи директори А.Гитчунс эса дунё миқёсида катта аҳамиятга эга ушбу нуфузли пахта форумида бир неча йиллардан бўён иштирок этаяётганидан мамнунлигини билдириб, изчиллик билан амалга ошириляётган ислохотлар тўғрисида Ўзбекистон жаҳон пахта бозорининг йирик иштирокчиларидан бирига айланганини таъкидлади.

Ярмаркада иштирокчилар Ўзбекистонда янги ва истиқболли навларни яратиш, агротехника тадбирлари ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, пахта етиштиришдан уни тайёрлаш, сақлаш ва транспортиривка қилишгача бўлган барча жараёнларни ўз ичига олган пахта саноатини янада ривожлантириш стратегияси билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Ярмарканинг асосий воқеалари "Ўзэкспомарказ" махсус павильониди ўтмоқда. Павильон халқаро ярмарка стандартларига мувофиқ жиҳозланган бўлиб, тармоққа оид барча маълумотни қамраб олган ахборот стендлари ўрнатилган. Анжуман қатнашчилари бу йил мамлакатимиз пахта заводларида ишлаб чиқарилган 650 туркум толанинг намуналари билан танишиш ва сифат жиҳатидан ўз эҳтиёжларига мос тойлари танлаб олиш имкониятига эга.

— Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси анъанавий тус олгани қувонарли

хол, — дейди Россия саноат-савдо вазирининг ўринбосари Виктор Евтухов. — Ярмарка юқори савияда ташкил этилган, самарали ишлаш учун барча шароит яратилган. Жорий йилда йирик миқдорда пахта толаси харид қилиш ва келгусида ҳамкорликни янада ривожлантириш учун қўшма корхона ташкил этиш ниятида-миз.

— Биз 50 минг тонна аёло сифатли тола харид қилиш тўғрисида шартнома имзоладик, — дейди Бангладешдаги "Dsm Commodities Ltd." компаниясининг вакили Фахшур Раҳмон. — Музокаралар жараёни ҳамжихатлик руҳида ўтмоқда, сотиш шартлари барча халқаро стандартларга мос. Халқаро ярмаркада иштирокими жуда самарали бўлди, у янги алоқалар ўрнатиш, янада фойдали битимларни амалга ошириш имконини берди. Компаниямиз ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор.

Тадбир қатнашчилари ярмарка доирасида бўлиб ўтадиган анжуман ва давра суҳбатларида жаҳон пахта бозорининг бугунги ҳолати ва унинг истиқболларини муҳокама қилиш баробарида, Ўзбекистоннинг тўқимачилик саноатига хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун яратилган қулай шарт-шароитлар билан яқиндан танишмоқда. Зеро, ярмаркада тола намуналаридан ташқари, тўқимачилик корхоналаримизнинг маҳсулотлари — калава, матолар, тайёр буюмлар ҳам кен намойиш этилмоқда. Тўқимачилик ярмаркаси экспозицияси "Ўзэкспомарказ"нинг алоҳида павильонидан жой олган.

Мамлакатимизда тўқимачилик саноатини ривожлантириш, юртимизда етиштирилган пахтадан юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатлар

ўз самараларини бераётир. Мисол учун, 90-йилларнинг бошида тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари экспортининг умумий ҳажми 7 миллион АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, соҳада олиб борилган изчил ислохотлар ва янги бозорларни эгаллаш ҳисобига бу кўрсаткич бир миллиард долларга етиб, тайёр маҳсулотлар дунёнинг эллиқдан ортқ мамлакатига экспорт қилинмоқда.

Қўшма корхоналар сони, инвестициялар, жумладан, хорижий инвестициялар оқими кўпайтирилди, илгор технологиялари жорий этиш ҳисобидан ишлаб чиқариш чуқур модернизация қилинмоқда. Бу яқин келажакда ўзбек толасининг ярмидан кўпини бевосита мамлакатимиз корхоналарида қайта ишлаш, пахтани экспорт қилишдан ташқари, жаҳон бозорида пахтадан тайёрланган рақобатбардош тайёр маҳсулотларни сотишни кўпайтириш имконини беради.

Сўнгги йилларда ўзбек толаси тоифа ва микронейри бўйича энг сифатли, деб эътироф этилмоқда. Бу Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг соҳага оид фармон ва қарорларининг бажарилиши натижасида амалга оширилган таркибий ўзгаришлар самарадорлигининг ёрқин ифодасидир. Мамлакатимизнинг бу соҳадаги сийосати барқарор ишлаб чиқариш ҳажмларини сақлаш, ўзбек пахтасининг минтақавий ва халқаро савдоси учун рақобат муҳитини яратишга асосланган.

Пахта толасини энг илгор халқаро стандартлар асосида сертификатлаш билан ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилардан мустақил бўлган, Европа ва Америкадаги етакчи пахта уюшмалари аъзоси — "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертифицилаш маркази шугулланиб келмоқда.

Юқори ликвидлиги билан ажралиб турувчи толамиз сифатини кафолатловчи мазкур марказнинг "Миллий маълумотлар базаси"да юртимиз пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқилган пахта толасининг сифат кўрсаткичлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар жамланган.

"Сифат" марказида тола намуналарини синондан ўтказишда энг замонавий, юқори унумдорликка эга бўлган HVI 1000 тизимларидан фойдаланилмоқда. Ушбу тизимлар ёрдамида толанинг барча хусусияти, жумладан, узунлиги, пишқиллиги, оқлик даражаси, микронейри, калта толалар улуши, узунлик бўйича бирчилиги, эластиклиги ҳамда ушбу кўрсаткичлар орқали толаннинг йиғирувчанлик қобилиятини аниқлаш мумкин.

— Сифат кўрсаткичи билан бир вақтда толаннинг тозаллиги ҳам яхшиланмоқда, — дейди "Сифат" маркази бош директорининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Бойхонов. — Бу замонавий автоматлаштирилган тўқимачилик фабрикари учун муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ўзбек пахта толарининг ўртача узунлиги ҳамда узунлик бўйича бирчилиги сезиларли равишда юқори кўрсаткичларга эга.

Соҳада амалга оширилган ўзгаришлар, янгиланишлар эвазига пахта селекцияси ва уни етиштиришдан тола сертификатлаш ва сотишгача бўлган жараёнлар энг илгор жаҳон стандартлари даражасига кўтарилди. Ўзбекистон селекциясида илмий тадқиқотлар олиб бориш учун яратилган қулай шарт-шароитлар натижасида селекционер олимларимиз ўзининг 110 дан зиёд навини яратди. Улардан 30 дан ортиги Давлат реестрига киритилган.

Ўзбекистон олимлари эришган сўнгги ютуқлардан бири — бу дунёдаги илк ген-

нокаут технологиясидир. Мазкур технология чидамли хусусиятларга эга "Порлок" навлари туркумини яратиш имконини берди. Бунинг самарасида мамлакатимизда янги нава толасини сотиш учун нархлар тарификациясига ўзгаришлар киритилди ва ушбу тола бошқа навларга қараганда 12 фоиз қиммат сотилмоқда. Ҳозир бир қатор уруғчилик йўналишидаги фермер ҳўжалиқларида "Порлок-1", "Порлок-2", "Порлок-3" ва "Порлок-4" янги ўза навларининг уруғчи чигити тайёрланмоқда.

Бу йилги халқаро ярмарка доирасида, аввалгиларидан фарқи улорак, "Пахта саноатининг ривожланиши ва жаҳон бозорида ўзбек пахта толаси рақобатбардошлигини ошириш истиқболлари", "Тўқимачилик тармоғининг рақобатбардошлигини ошириш — экспорт имкониятлари орттиришнинг муҳим омилли", "Пахта ва тўқимачилик тармоқларида илмий ва технология янгилликлар" каби мавзуларда учта секцияга бўлинган ҳолда ўзаро мулоқотлар ўтказилмоқда.

Ярмарка доирасида иштирокчилар "Тошкент-тола" пахта терминали, Тошкент виллоятидаги "Ўзбекистон" пахта-ни қайта ишлаш заводи, "UzteksChirchiq" қўшма корхонасида бўлиб, мамлакатимиз пахтачиллик секториди амалга ошириляётган изчил ислохотлар самаралари билан танишиш имкониятига эга бўлади. Енгил саноат салоҳияти, жумладан, маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариляётган турфа либослар намойиши ҳам режалаштирилган.

XII Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов сўзга чиқди.

Сайёра Шоева, ЎЗА

Тадбир

Жорий йилнинг 3-4 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори билан ҳамкорликда жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш хатарини баҳолаш мавзусида ўқув семинари ўтказилди.

Ўқув семинар бўлиб ўтди

Семинарда жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш ва молиявий разведка соҳасида юқори тажрибага эга бўлган Италия, Сербия ва Лихтенштейн давлатларининг халқаро экспертлари ҳамда республикамиздаги тегишли вазирлик ҳамда мутасадди идораларнинг мутахассислари иштирок этдилар.

Тадбир ўтказилишдан асосий мақсад жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш хатарини баҳолашда Молиявий қоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ — ФАТФнинг янги тавсияларида кўрсатилган чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш борасида ўзаро тажриба алмашиш ҳамда мазкур масала юзасидан мунозара олиб боришдан иборат бўлди.

Шунингдек, ўқув семинар давомида юқорида кўрсатиб ўтилган халқаро экспертлар томонидан ишлаб чиқилган жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш хатарини миллий баҳолаш методологияси лойиҳаси семинар иштирокчилари ўртасида

муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимининг самарадорлиги халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этиб келинмоқда. Жумладан, Базель бошқарув институтининг рейтингига кўра Ўзбекистон Республикаси жиний даромадларни легаллаштириш хатарини баҳоланган давлат деб топилди, Франция, Австрия, Канада, АҚШ ва Нидерландия давлатлари қаторидан жой олган.

Бу каби ўқув семинарлари республикамизда доимий ташкил этилиши тегишли вазирлик ва мутасадди идоралар томонидан жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш хатарини баҳолаш ва унга қарши курашиш миллий тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фаррух ПўЛАТҚОҚ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК
департаменти бўлим бошлиғи

Ишбилармонлар учун кенг имконият

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев 2016 йил 5 октябрда имзолаган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармон мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамкорликда ташкил этган Тадбирда Адлия, Иқтисодий вазирликлари, Фермерлар Кенгаши, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси вакиллари, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва фермерлар иштирок этди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси С.Турдиев ва бошқалар мазкур фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини

мустаҳкамлашда янги босқични бошлаб беришини таъкидлади. Фармонда белгиланган чора-тадбирлар ноқонуний текширишларнинг олдини олишга, айниқса, давлат органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида тадбиркорлик субъектларини фаолияти асосий тўхтатишига ва зарар етказилишига йўл қўймасликка йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Ййгилишда ушбу чоралар маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш йўлида қўйилган муҳим қадам эканлиги, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилиши устидан партия фаоллари ҳам депутатлик назоратини қучайтириши лозимлиги қайд этилди.

ЎЗА

Мустақкам оила — бахт маскани

"Эмансипация" сўзи ишлатилганида ҳамма ҳам тушунавермаслиги мумкин, бироқ "алимент" сўзини билмайдиганлар кам топилади. Маълумки, вояга етмаган фарзандларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёр равишда бажармаган ота(она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

Таъкидлаш жоизки, ота-онаси йўқ бўлган ёки улардан таъминот ололмайдиган вояга етмаган невараларига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган бобо ва буви зиммасига юклатилиши мумкин. Бироқ, суд қароридан алимент тўловининг ота ёхуд онадан ундирилиши белгиланган ҳолларда алимент фақат ота(она)дан мажбурий тартибда ундирилиши мумкин.

Айрим ҳолларда болага алимент ундириш учун боланинг ота-онаси ФХДЁ орқали никоҳдан ўтган бўлиши лозим деган фикрлар учрайди. Аслида алимент ундириш учун оталик фактининг белгиланганлиги етарли. Шунингдек, оталик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлик ҳам алимент тўлашдан соқит қилмайди.

Вояга етмаган боланинг ота-онаси ажрашган, умуман қонуний никоҳда бўлмаган ва ота-она бир рўзгор асосида яшаб турган бўлиши мумкин. Ота-она бир рўзгор асосида яшаб турган вазиятларда алимент ундирувнинг талаб қилиниши одатда отанинг фойдали меҳнат билан банд бўлмаслиги, фарзандлар тақдир, еб-ичиши ва таълим олишига бе-

фарқлиги оқибатида юзага келади. Ажрашган оилаларда алимент ундируви жуда долзарб бўлиб, кўп ҳолларда фарзандлар онаси билан қолиши мақсадга мувофиқ деб топилади ва алимент мажбурияти отага юклатилади.

Халқимиз азалдан болажон халқ ҳисобланган ва ота-оналарнинг фарзандлари учун яшати, уларни ҳаётда ўз ўрнини топиши учун тўғри йўл-йўриқ кўрсатиб қўлаб-қуватлаши, фарзандларини уйли-жойли қилиб, улар эришаётган ютуқларидан фахрлини юриши, фарзандлар эса ота-оналарига қариган чоғида суяниқ бўлиши ўзига хос қадриятларимиздир. Лекин, афсуски, айримларнинг бу қадриятларимизга зид равишда ҳаракат қилаётганлиги ачинарлидир.

Очиқ айтиш керак, ажримлар нафақат юртимизда, балки бутун дунёда ўйлантирувчи масалага айланган улгурган. Ҳали оила сўзини чуқур англамайдиган, рўзгор юки туғул, ўзининг ҳаражатлари учун ҳам пул ишлаб тополмайдиган йигит ва на хунар, на касбга эга қизнинг ўртасидаги никоҳдан қандай натижа кутиш мумкин? Албатта, ота-оналар бу никоҳдан неваралар кутгани аниқ,



Лекин, афсуски, иш ажримга қадар бориб етганда бор даромади пенсиядангина иборат бобо-бувининг ёрдамига кўз тутиш ҳам тўғри бўлармикан?

Албатта, ўш-ўн беш йил биргалликда яшаб туриб, фарзандлар вояга етай деб турганда "ажрашиш" васвасасига тушади-ганлар ҳам йўқ эмас.

Афсуски, ундирувчининг номуносиб хулқ-атвори, жумладан, фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, алимент учун деб берилган пуллари ичкиликка сарф этиши ҳам, қарздорлар томонидан алимент тўлови узилиб қолишига сабаб бўладиган ҳоллар ҳам учраб туради.

Эслатиб ўтмоқчимиз, суд ижрочисининг ўз ваколатлари доирасидаги талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча органлар, жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Суд ижрочиси мажбурий

ижро ҳаракатлари давомида: — ундирувни қарздорнинг пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига; — ундирувни қарздор о р н и н г бошқа шахсларда турган пул маблағларига ва

бошқа мол-мулкига; — ундирувни қарздорнинг дебиторлик қарзига, шу жумладан қарздор ундирувчи сифатида иштирок этаётган ижро ҳужжати бўйича унга тегишли бўлган маблағларга; — ундирувни қарздорга тегишли бўлган алоҳида мулкий ҳуқуқларга;

— ундирувни қарздорнинг иш ҳақи, стипендияси, пенсияси ва бошқа турдаги даромадларига қаратишга; — шунингдек, ижро ҳужжатида кўрсатилган муайян ашёларни қарздордан олиб қўйиш ва ундирувчига топшириш ва ижро ҳужжатининг ижро этилишини таъминловчи қонунларга мувофиқ бошқа чораларни кўришга ҳақлидир.

Вояга етмаган боланинг меҳнат қилиб даромад топиш, ўзини моддий таъминлашга имконияти бўлмаса, ундирувчилар асосан оналар бўлиб, оналар ҳам фарзанд тарбияси билан машғул бўлса, боланинг

Фарход ШЕРИГИТОВ,
Самарқанд шаҳар прокурори

моддий эҳтиёжлари учун ким жавоб беради? Айрим қарздорларнинг имконияти бўла туриб собиқ турмуш ўртоғига нисбатан аламаздалик кайфиятида болаларини ўз ҳолига ташлаб қўйганлиги, масъулиятдан қочиши янада ачинарли ҳолатдир.

Хулоса қилиб айтганда, ота-оналар фарзандлари учун жавобгардир. Қайси сабаб ёки кимнинг айби билан оилангиз бузилганлиги муҳим эмас, фарзандингизни тўқис оилада яшаш имконидан маҳрум этганингиз муҳим. Шундай экан, ажрашишдан кейин жанжалларни давом эттириб, боланинг руҳиятига салбий таъсир ўтказиш чин, қомил инсонга хос иш эмас. Аксинча, ажрашишган ота-онага айтадиган гапимиз — фарзандларингизни нафақат моддий таъминлаш, балки боланинг маънавиятини ҳам улайтишга бор куч-ғайратингизни сарфланг.

Прокуратура органлари ҳодимлари вояга етмаган фарзандлар манфаатини ҳимоя қилишга доир барча қонуний чораларни кўришга, иш излаб юрган қарздорларни бандликка кўмаклашиш ва аҳолини иш билан таъминлаш марказлари билан ҳамкорликда ишга жойлаштиришда амалий ёрдам беришга тайёрлигини унутманг.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тизими такомиллашмоқда

/Давоми. Бошланиши 5-бетда/

Бу фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишлар бажарувчи (ҳизматлар кўрсатувчи) шахсларга нисбатан ҳам тааллуқли.

Қонун асосида касаба уюшмалари ваколатлари кучайтирилгани ҳодимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланиши имкониятларини янада кенгайтиради. Эндиликда бу тизим вакил ташкилотларнинг раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахслардан меҳнат шариолатлари ва муҳофазаси тўғрисида, ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида ахборот олиш ҳуқуқига эга. У бундай ҳодисалар юзасидан текширишда иштирок этади. Ҳодимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларнинг бузилишини бартараф этиш тўғрисида иш берувчига таклифлар киритади. Иш берувчиларнинг мажбуриятлари бажарилишини назорат қилади. Ишлаб чиқариш объектида ишлар ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида мустақил эксперт сифатида иштирок этади. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талаблар бузилганда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар фактлари яширилганда бу борада айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга таклиф киритади. Меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиш ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши тўғрисида етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун ҳамда ҳодимларнинг соғлиғи ва меҳнати му-

ҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари чекланган бошқа ҳолларда ҳодимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга мурожаат этади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қорхоналарда содир бўлаётган ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларидан бири ҳодимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этмаслигидир. Баъзан иш берувчи томонидан ҳодимларнинг иш вақти ва дам олиш вақтининг белгиланган, уларни хизмат сафарларига юборишда хавфсизлик талаблари бузилиши ҳолатлари ҳам учраб туради.

Ушбу ҳолатларни бартараф этиш мақсадида қонунда иш берувчилар ва ҳодимлар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этиш бўйича масъулият оширилди. Бу борада иш берувчилар ва ҳодимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди. Ҳодим қулай ва хавфсиз иш ўрнига эга бўлиш ҳуқуқига эга. Меҳнат шариоати тўғрисида, шу жумладан, касб касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниш эҳтимоли мавжудлиги, шу муносабат билан ўзига берилиши лозим бўлган имтиёзлар ва компенсациялар, ҳасасий ҳимоя воситалари ва жамоавий ҳимоя воситалари ҳақидаги ахборотларини иш берувчидан олиши зарур. Ҳодимлар ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат томонидан мажбурий ижтимоий сугурта қилинади. Тиббий тавсияларга мувофиқ, навбатдан ташқари тиббий кўриқдан ўтади, ушбу тиббий кўриқдан ўтиш вақтида унинг иш жойи (лавозими) ва иш

ҳақи сақланади.

Ўз навбатида ҳодим соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиши лозим. Шахсий ҳимоя воситаларини тўғри қўллаш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар олиши, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан ва малака оширишдан ўтиши керак. Одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевоқиф хавф туғдирувчи ҳар қандай вазият тўғрисида, иш жараёнида ёки у билан боғлиқ ҳолда содир бўлган ҳар қандай бахтсиз ҳодиса ҳақида иш берувчини дарҳол хабардор қилиши шарт.

Иш берувчи ҳодимлардан меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз олиб боришга доир нормалар, қоидалар ва йўриқномаларга риоя этишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Ҳодимларнинг алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик моддаси ёки токсик модда таъсиридан маст ҳолатда эканлигини аниқлаш учун уларни текширувдан ўтказиши мумкин. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан назорати ва текширувни амалга оширувчи органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бевоқиф судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиш, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этганлик учун ҳодимларни тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини кўради. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни бузганликда айбдор ҳодимларни интизомий жавобгарликка тортади.

Иш берувчи ҳар бир иш ўрнида меҳнат шариолатларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ

бўлишини таъминлайди. Дастлабки тарзда (ишга қираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриқлар белгиланган тартибда ўтказилишини ташкил этади. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий сугурта қилинишини, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта қилинишини таъминлайди. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини белгиланган тартибда текширувдан ўтказиш, уларнинг ҳисобини юритади.

Эндиликда ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш шартлари ташкил этилади. Ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ҳодимларнинг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёрликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Эллик ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонун турли соҳа ҳодимлари учун номуносиб меҳнат шариолатлари яратилишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари юқсак даражада ҳимоя қилиниши ва таъминланишига хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА



Виждон азоби...

Арслонбек АБДУРАХМОНОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Халқимизда "Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг тушасан" деган нақд бор. Дарҳақиқат, ўзига нисбатан адолатга бўлиш, ёмонлик қилиш ўша одамнинг ўзига зарар етказиши. Бунга "қазирмон"ларимиз мисолими яна бир бор гувоҳ бўлишимиз мумкин. Т.Искандарова ва Д.Мамутов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) вилоятдаги наркология диспансерларининг бирида шифокор, И.Шарипова ҳамда Г.Рахимовалар ҳамшира лавозимда хизмат қилишарди.

Инсоннинг манманликка, ҳро-ҳавасга ортиқча берилиши иш фаолиятида ҳам сезилар экан. Т.Искандарованинг ана шундай ҳолатга тушиши муассасада маълум муддат маънавий муҳитнинг бузилишига сабаб бўлди. У бош шифокор котибасини ҳузурига чақириб, тез орада диспансерга ўзи раҳбар бўлишини, бунинг учун танишларини ишга солганлигини айтиб, агар ишлаш нияти бўлса бош шифокорнинг ҳузурига келиб кетувчилар, уларнинг нимани гаплашишлари ҳақида ахборот бериб туришини талаб қилади. Котиба бундай қилолмаслигини айтганида, Т.Искандарова уни қўрқитиш йўлига ўтади.

Бу орада Т.Искандарова ва бош шифокор ўринбосари ўртасида келишмовчилик келиб чиқди.

— Қараб турсин, мен билан уришганига пушаймон қиламан. Ҳамма жойда танишларим бор. Қаматтириб юбораман, — дея Т.Искандарова одамлар орасида ўринбосар шаънига бўлмағур г-пларни гапирди.

Бу шунчаки пўписа эмасди. Т.Искандарованинг юрагида пайдо бўлган адолат то'ора алангаланар, ўринбосарга қандай панд бериш йўллари йўларди. Буни қарангки, тез орада унга шериклар ҳам топилди. Унинг казо-казо танишлари ҳақидаги уйдирмаларини рост деб ўйловчилар билан биргаликда режа тузишди. Қаршилик билдирганларни турли бўхтон гаплар билан қўрқитиб қўйишди. Шу тарика улар ўринбосарнинг хонасига психотроп модда ташлаш ва унинг наркотик савдоси билан шуғулланиши ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беришга келишиб олишди.

Режа пишиди. Ҳўш, бу психотроп моддани ўринбосарнинг хонасига ким олиб киради? Олдинга бўлимдаги кичик ҳамширани ишга солмоқчи бўлишди. Ҳамшира И.Шарипова кичик ҳамширани авради, қўрқитди. Бирок, у рози бўлмади. Шундан кейин котибада тўхталишди.

— Қандай қилиб? Биринчидан қўрқаман, иккинчидан ўринбосар ҳеч қачон хонасини очик қолдирмайди.

— Сен хўп десанг бас, шифокор Д.Мамутов уни бир баҳона билан хонасидан олиб чиқиб кетади, сен эса бу пайтда ўринбосарнинг хонасига ташлаб чиқасан.

Котиба рад қилганиди, уни оиласини ўртага қўйиб, қўрқитишди.

Ноилож қолган котиба, жиноий гуруҳ берган психотроп моддаларни олиб, сумкасига солиб қўйди. Кечкурун қўрқанидан сумкасини уйига олиб кетишга бетамади. Кечаси билан мижжа қоқмай чиққан котиба, эртаси ўринбосарнинг ёнига кирди ва ундан айрим дори-ларнинг нимага ишлатилишини сўради. Ўринбосар ушбу дори-лар психотроп модда эканлигини ва қандай ҳолатларда қўлланлишини тўшунтириб берди.

Котиба индамай чиқиб кетди. Эртаси куни яна ўринбосарга кечаги савол билан мурожаат қилади. Бу ўринбосарини шўхалантириб қўйди.

— Нега бундай савол бериасиз? — дея ҳайрон бўлди. Котиба йиғлаб юборди ва бор гапни айтиб берди.

— Сиз қўрқманг, ҳаммаси яхши бўлади, — ўринбосар котибани юпатди ва биргаликда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишни тақлиф қилди. Котиба розилик берди.

Бу орада Т.Искандарова бир неча бор котибага қўнғироқ қилиб, иш нима бўлганлигини сўради. Котиба эплай олмаётганлигини, эрта-индин бирон нима қилишини билдирди. Охир-оқибат қабих ишга қўл уришга виждони йўл қўймаслигини айтиб, психотроп моддаларни Т.Искандаровага қайтариб бераётган вақтда воқеа жойида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ҳолислар иштирокида қўлга олинди.

Адолат қарор топди. Т.Искандарова ва унинг шериклари қилмишларига яраша жазога тортилдилар.

Кўмилган «ҳазина»

Ойдин хонадаги диванни бошқа жойга кўчирмоқчи бўлиб қизини ёрдамга чақирди. Хонани бундан уч-тўрт ой илгари Марҳамат исми аёл ижарга олганди. Бироз яшаб, сўнг бошқа жойга кўчишини, нарсалари ҳозирча шу ерда туришини, кейинроқ олиб кетишини айтганиди.

Отабек КУЛДАШЕВ,
Қарши шаҳар прокурори

Хонадон бекаси ўртада турган хонтахтани четга олиш учун тортганиди, оёғи гилам тагидаги аллақандай чуқурчага тушганини сезди. Нимадир қарсиллаб сингандай бўлди. Ойдин ҳовликиб гиламини, унинг остидаги картонни кўтарди. Хона ўртасида чуқурча қазилган, устига эски-туски латталар билан фанер бўлага ёпилган эди.

Ойдин қизиксиниб, фанерни кўтарди. Озги қолқоқ билан ёпилган учта икки литрлик банка кўринди. Уларни хандақдан чиқариб олиб, ҳангу манг бўлиб қолди. Ижарачи холангиз маза-си қочган бўлса, гиёҳ-пиёҳ дам-лаб ичармикан, дея ўйлади. Аммо хонани аллақандай ўткир ҳид титиб кетганидан сўнг хавотирланиб, маҳалла профилактика инспекторига хабар берди...

Ўтган йилнинг октябр ойида Қарши шаҳри Мағзон маҳалласида яшовчи Ойдин Сафарованинг уйида ижарачи аёл пайдо бўлди. Эллик беш ёшлардаги бу аёл Касби тумани "Талишбе" маҳалла фуқаролар йиғини Қорақўнғирот қишлоғида яшовчи Марҳамат Холова экан. Хонадон

соҳибаси ундан нима сабабдан уйдан чиқиб кетганини сўраганида, аёл турмуш ўртоғи ишлаш учун хорижга кетганини, уйда уни ўғиллари ва келинлари সিғдиришмаганини, Қаршида ўғлининг беш хонали "дом"и борлигини, аммо у ерда ҳам келиннинг қош-қовоғига қарашдан безор бўлганини айтиб, дийдиё қилди. Ойдин ажабланиб қўйди-ю, "муштипар" аёлга ижарачи хона берди...

Экспертиза хулосаларига кўра бу "муштипар" аёлнинг хонага кўнган "ҳазина"си 6102 грамм миқдориди мари-хуана гиёҳвандлик моддаси экан. Унинг Касби туманидаги яшаш уйининг девор ёриғи ва шкаф ичидан ҳам сотиш учун сақлаб қўйилган жами 11,6 грамм наша топилди.

Жиноят ишлари



бўйича Қарши шаҳар судида бўлиб ўтган суд мажлисида ушбу масалага оиднинг киритилди. Тўрт фарзанднинг онаси бўлган Марҳамат Холова айбига иқроолигини билдирди. Судда аниқла-нишича, гиёҳванд моддани у қишлоғидаги томорқасида экиб, парварлашаб, етиштирган экан. Сўнгра сотиш учун одам қидираётган пайтда унинг кирдикорлари ошкор бўлиб қолди.

...Ҳўкм ўқилди. Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан Марҳамат Холовага энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараवари миқдориди жарима ҳамда 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Беихтиёр ақлингиз шошад. Айни кескалик гаштини сурадиган, набираларига ибратли эртақлар, панду насиҳатлар айтадиган ёшга етган аёл наҳотки шундай жирканч жиноятга қўл урса? Наҳотки, оғуф-рушлик жабрини тортаётган турмуш ўртоғининг тақдирини ҳам унинг қўзларини очмаган бўлса?...

Тиллага ошиқ йигитлар

Тирик жон борки, яшаш учун курашади. Турмушини обод қилишга интилади. Аммо ҳамма ҳарам оилани ҳалол пешона тери эвазига келган даромад билан тебратавермас экан. Шунингдек, оиладаги носоголом муҳит, ноўрин тарбия бола камолотида муҳим ҳисобланиши барчамизга маълум.

Жонибекнинг ҳам жиноят кўчасига киришига балки оиласидаги носоголом муҳит сабаб бўлгандир. Бўлмаса у муқаддам жиноят содир этиб, икки мартаба судланмаган бўлар эди. Лекин кўзи очилмади. Яна жиноятга қўл урди. Қирақашлик қилиб, пешона тери билан топаётган даромадига қаноат қилмай, ўзгалар мулқига кўз олайтирди.

Жонибекнинг маҳалладоши Манзура опа киш оиларини шаҳардаги уйда ўтказди. Бундан хабари бўлган Жонибек уларнинг ҳовлисини зимдан кузата бошлади. Бир куни у Манзура опанинги ўғли дарвозасини кулфлаб кетаётганини кўриб қолди. Қулай фурсат топилди, деб шу куни кечаси уларнинг уйига ўғирликка кирди. Девордан ошиб тушган Жонибек уй эшикларини очишга қўйналмади. Шожмасдан ҳаракатланган ўғри тахланган қўрпачалар орасидан 1 млн. 600 минг сўм, сандиқдан 7 минг Россия рубли, халат чўнтагида 260 АҚШ доллари ни ҳамда 750 минг сўмлик бир дона "Samsung" планшетти каби жами 3 млн. 369 минг сўмлик мол-мулкларни олиб, уйдан чиқиб кетди.

Ўз навбатида, қўлга киритганларини ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборди. Ҳар замонда келиб уйдан хабар олиб турадиган Манзура опа бу ҳолатни сезмади. Чунки Жонибек уйдаги жиҳозлар қай ҳолатда турган бўлса яна шундай қилиб, ўз ўрнига қўйиб кетганди.

"Ўрганган кўнгил, ўртанас қўймад" деганларидек, орадан бироз муддат ўтган Жонибек яна Манзура опанинга ўғирликка киришни режалаштирди. Бу гал таниши Собирни ўзига шерик қилди.

Собир ҳам унга ҳеч қандай қаршиликсиз рози бўлди. Кечаси келган ўғирлар девордан ошиб, ҳовлига тушишди. Бу сафар улар хонадондан жами 34 млн. сўмлик тилла тақинчоқларни олиб кетишди. Заргарлик дўконларига бориб, пул зарур бўлиб қолганлиги учун сотаётганлигини айтиб, пуллаб, кайфу са-

фо қилиб юраверишди.

Қилаётган қилмишлари жиноятлигини, қачондир булар фош бўлишини ўшанда эл ичра беобрў бўлиб, йигитлик шаънига бир умрлик кетмас доғ бўлишини билса-да, нафис устунлик қилиб унчинчи бор Манзура опанинга ўғирлик қилиш ниятида йўл олди. Бу гал ҳам уйда бўлмаган ҳовли эгалари 8 млн. сўмлик тилла тақинчоқларидан айрилишди. Манзура опа уйдаги ўғирликларини сезгач, ички ишлар бўлимига мурожаат қилди.

Бу ёқда Жонибек биргина Манзура опа билан чекланиб қолмади. Осон пул топиб, маишатда яшаш унга жуда ёқиб қолди. Кейинни ўйламастан жиноий қилмишларини давом эттираверди.

Бир куни у яна Собирга телефон қилиб, ўғирлик қилишини ва манзилни тўшунтирди. Жонибек бу уй эгаларини ҳам обдон кузатган, эрта тондан эр-хотин бозорда савдо қилишини, тушгача уйда ҳеч ким бўлмаслигини билди. Шу куни эрталабдан улар девор ошишди. Хонадон соҳибларининг пешона тери билан йиғиб юрган жами 25 млн. 946 минг сўмлик мол-мулкларини олиб кетишди.

Бундан ташқари, улар Ҳилола Мухсинованинг отаси оламдан ўтганидан фойдаланиб қаровсиз қолган уйига ўғирликка киришди. У ердан 100 АҚШ доллари ва 5 млн. сўмлик тилла тақинчоқларни олиб кетишди.


Тилла тақинчоқлар савдоси билан шуғулланувчи Хадича Сатторованинг тўйга кетиб, уйи қаровсиз қолганидан фойдаланиб қолишга уринган ўғирлар унинг уйдан жами 95 млн. 960 минг сўмлик тақинчоқларни ўғирлашади. Жонибек ўғирлик ортидан толган пулларига ижарачи миниб юрган машинасини ҳам сотиб олди.

Бирок "Емоқнинг қусмоғи бор" деганларидек, йигитлар қилмишларига яраша жазосини олишди. Суд ҳукмига кўра Жонибек Мўминов ўлталмаган жазоларни қисман қўшиш йўли билан 9 йил, Собир Очилов 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Ашвёй далил сифатида эътироф этилган "Nexia" русумли автомашина судланувчилар томонидан етказилган зарарга қаратилиб, жабрланувчиларга тенг тақсимланди.



Одам қиёфасидаги вақшийлар



Эрталаб ўт ўчирувчилар ёнгинни ўчиришди. ИИБ ходимлари ҳовлидаги ёнган хоналардан бешта жасадни олиб чиқишди. Уч нафар аёл ва икки нафар бола ваҳшиёна пичоқлаб ўлдирилган, қотиллар жиноят изини йўқотиш илминчида уйга ўт қўйиб кетишган эди. Афтдан, ўзини шубҳадан холиман, дея тусмоллаб, ортига қайтиб келиб, қўни-қўшнилар, қариндошларга қўшаиб турган Нозимни (исм-фамилиялар ўзгартрилган) туман ИИБга олиб боришди. Унинг шериги, ёнган уй ёнида бирпас туриб, сўнгга қочиб кетган Олчинбекни эса ўша куни уйдан ушлаб кетишди. Кўп ўтмай ўлжага шерик бўлишни ўйлаб, ўта оғир жиноятни яширган Нозимнинг ўртоғи Ҳомида ҳам қамоққа олинди.

Нозим ўзини ҳам, шерикларини ҳам қўлга тушмасликка уришган эди. Қариндоши йиғиб қўйган бир чамадон пул эс-ҳушини ўғирлаган эди. Бу кимса ёш, билаги кучга тўлган бўлса-да, коллежни битирганидан кейин бирон жойда ёлчичиб ишлагани йўқ. Ақсининг дехончилигига қарашли толган пулини кайфу-сафо қилиб тугатди. Иш йўқ эмас бор, лекин маошдан маошга кўз тикиб ўтиришга сабрсизлик қилди. Бирдангина улғуржи лўқмани қўлга киритиб, уйнаб-кулиб юришни орзу қилиб юрганида, лўқма ўз оёғи билан келиб қолди.

Декабрь ойида холасининг ўғли Эҳсонбек йўқлаб келди. — Беш-олти йилдан бери пул йиғяпмиз. Битта енгил машина олмақчимиз. Бозорларни қўриб, нарх-наволарни суриштириб юрибман. Машиналар баҳоси пастлабди. Бироқ пича етмай турибди. Қарз бериб турсаларинг, ёзга-ча қайтарардик.

Нозимнинг акаси Насимжон "ҳа" ҳам, "йўқ" ҳам демай, умидвор қилиб қўйди. Эҳсонбек иккинчи бор оғиз очгани-

ганида пулларни олиб чиқиб кетса... — Бўлмайди. Дарров ундан шубҳаланиб, ёқасидан олишади. Кеч-қурун, қоронғуда келса, қўни-қўшнилар кўрмайди. Холасини, у билан бирга ётадиган холаваччаси — Сожидадан бир ёқлик қилибди... Аммо... Бир ўзи удаллаши даргумон. Шерик керак. Нозим ўртоғи Ҳомидага "иш" таклиф қилди. У "судланганман", дея ўзини тортиди. Қариндоши Олчинбекни эслади. Коллежда ўқийди, такасалтанг, дарсларга хуши келса боради.

— Шаҳарчада битта уй бор, — Нозим гапни узоқдан бошлади. — Турмушга чиқмаган қизларини алдаб, номуслига тегиб қўйганман. "Энди у, менга уйланасан", деб холи-жонимга қўймапти. Бир ёқлик қилмасам, қутулмайман, — дея виждонини ютиб, ёлгон гапирди.

— Жиннимисан, — Олчинбек бармоғини чаккасида айлантди. — Мен танийманми, ўша қизини? — Гап орамизда қолсин, оти Сожида...

— Ие, амманнинг қизими? Унга ўзингания, мениям бадном қиласан, деб уқтиргин-у, исини чиқармай, яхшиликча босди-босди қил.

— Фойдаси йўқ. Ўлдириб қутуламан. Бир ўзим элпоглаймаман. Менга қарашли юборасан.

Олчинбек "сен айтмадинг, мен эшитмадим", дея хайр-маъзурни насия қилди. Бироқ ҳар қўришганда Нозим ўша гапни кўзгайверди.

— Бўйнимга осилиб олмақчи. Тинчитмасам, бўлмайди, — Олчинбек яна тайсаллагач, ниҳоят Нозим асл мақсадга кўчди. — Уйларидан пул гарам-гарам, Сожидани тинчитиб, пулларини олиб чиқиб кетамиз. Холам — амманг пулини яширган жойини, калити қаерда туришини биламан.

Дарвоқе, Олчинбек аммасининг ўғли Эҳсонбек машина олиш таравдўлида юргани, етмаганига Нозимнинг ақасидан қарз бериб туришни сўраганини эшитган эди. Катта ўлжанинг дарағи ўн саккиз ёшга тўлмаган йигитчаннинг дилига гул-гула солиб қўйди. Яқинда уқасининг туғилган куни, ўртоқларини таклиф қилиб қўйган. Уқасига туғилган кунингнинг ўзим ўтказиб бераман, деб катта кетган-у, ҳамёнини қўппа-қуруқ. Қолаверса, пулни пулга уриштириб қўпайтирса ҳам бўлади...

— Бўпти, лекин Сожидадан бошқасига тегмаймиз, — Олчинбек ўзича шарт қўйди.

Икковлон қишлоқдаги бозорчага бориб, бир жуфт қўлбола ясалган пичоқ сотиб олишди. Қиш куни, қор йўқ бўлса-да, изгирин. Кечки пайт шаҳарчага етиб боришди. Турдихон хола одатдагидек жияларини очик чехра билан қарши олди. Дастурхон ёзди. Бироқ, иблис йўлдан урган бу кимсаларнинг режаси пучга чиқди. Биринкетин Эркин ака билан Эҳсонбек кириб келишди. Бу кеча хонадонда яшовчилар жамул-жам, барчасига бас келишлари амри-маҳол эди. Бир соатча ўтиргач, Нозим билан Олчинбек уйларига отланишди. Нозим орадан уч кун ўтиб, кеч-қурун Олчинбекнинг уйига велосипед миниб келди. "Бу кеча эркаклари ишда, аёллар ёлғиз".

Нозим, "хола, хола", дея дарвозани тақиллатди.

— Кечаси нима қилиб юриб-сизлар, — уйга кирганларидан кейин Турдихон хола дашном берди. Нозим "алланима", деб мингирлади. Меҳмонхонада кечаси соат ўнгача гаплашиб ўтиришди.

— Ётиб қолсак, майлими? — Алламаҳалда юрасизларми, — дея Турдихон хола иккаласига алоҳида қилиб, бир хонага жой солиб берди.

— Ухлашларини қутамиз, — деди ташқарига чиқиб келган Нозим. — Хола хушёр, қўлида фонар билан кузатиб турди.

Нозим тунги соат иккилардан Олчинбекни туртиб ютди. "Тур кетдик", деб пичоқнинг биттасини унга тутқазди. Қўлларига қўлқоп кийиб олишди. "Мен холамини, сен Сожидани тинчитасан". Деразалардан тушган ой нури хонани гира-шира ёритган эди. Диван ёнида, кўрпага ўраниб ётган Турдихон холага ташланган Нозим дуч келган жойига пичоқ санчаверди. Пичоқ қўлидан тушиб, пайпасланди. Охонадан бошқа пичоқни олаётиб, галадондаги бир жуфт сиргани чўнтагига солди. Қайтиб чиқиб, типирчилаётган холасига яна пичоқ санчиди. Олчинбек гала-говурдан уйғониб кетган Сожиданинг биқинига пичоқ урди. Бироқ пичоқ қайрилиб кетди. Олчинбек қизининг оғзини ёпиб, бўғди. Турдихон хола типирчиламай қолгач, Нозим энди Сожиданига кетма-кет пичоқ санчиди. Вақшийга айланган бу кимсалар жасадларнинг устига кўрпа ташлаб қўйишди. Шундан сўнг хонадон келини икки нафар қизчаси билан ухлаб ётган хонага бостириб киришди. Уйғониб йиғлаётган

Анваржон АДҲАМОВ,
Фаргона вилоят прокуратураси
бўлим прокурори

норасидалар кўз ўнгида Нозим турдихон онасини ҳам ўлдириди. "Мени таниб қилишди", дея Нозим баникетин қизалоқларнинг умрига зомин бўлди.

— Омборхона калитини топа олмадим, — деди суд мажлисида Н.Матсаидов. — Омбурда қўлфини бузиб очди. Кўрпа тахланган жавондан пулларни олиб, халтага солдик. Ҳовлидаги идишда солярақа бор экан. Уни холам ва қизининг, нариги хонадаги келини ва невараларининг устига селиб ўт қўйгач, хона эшикларини ёпиб қўйдим. Ҳовлида Олчин пул солинган халтани велосипеднинг рулига илиб, етаклади. Кўчага чиқиб, атрофни кузатдим. Ҳеч ким кўринмади. Велосипедда қишлоққа келдик. Эрталаб соат бешлар эди. Кийимимга қон сачраган, бу аҳволда уйга кира олмадим. Шу кўчада яшайдиган ўртоғим Ҳомидни эшигини тақиллатдим. У уйига киритди. Ҳомида шаҳарчадаги бир одамнинг уйдан пулларини олиб чиқиб кетишни айтганимда, судланганман, деб кўнмаган эди. Унга бўлган ишни айтиб бердим. "Пуллар сеникида тура турсин", дедим.

У берган кийимларни кийиб, устибосимни алмаштириб олдим. Олчин уйига кетди. Мен ўртоғимникида ётиб қолдим. Эрталаб акам излаб келиб: "Холамининг уйига тезда боргин", деди. "Нима бўлибди", деб ўсмақчиласам, "борганда биласан", деб чиқиб кетди. Бормасам, шубҳаланишадим, деган ўйда шаҳарчага бордим. Ёнгинни ўчириб бўлишган экан. ИИБ ходимлари ичкарига ҳеч кимни киритмасдан суриштирувни бошлашди. Шу ердан мени ИИБ га олиб кетишди.

Н.Матсаидов каби О.Ғойибов ҳам тўлиқ иқдор бўлди. Суд ваҳшиёна тарзда уч нафар аёл ва икки нафар қизалоқнинг ҳаётига зомин бўлган Н.Матсаидовга умрбод озоликдан маҳрум этиш, қотилликда бевосита иштирок этган О.Ғойибов ҳамда тайёрланаётган ва содир этилган ўта оғир жиноят тафсилотларини билган, қотиллар сақлаб туриш учун берган пулларни зовурга яшириб қўйган Х.Тиллаева турли муддатларга озоликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Иллатнинг қулфати

Юра Борисов қадрдон таниши Андрей Николаев (исм-фамилиялар ўзгартрилган) билан баъзан бир дастурхон атрофида тушлаб қилиб туришарди. Ю.Борисов ўтган йилнинг 31 декабрь куни янги йилни қўлиб олиш арафасида, тахминан соат 20.30 ларда Яшнабод туманида яшовчи қадрдон Андрейнинг уйига кириб келади. Одатта кўра дастурхонада турли ёгуликлар билан бирга "аримта" ҳам бор эди. Икковлон кўп ўтмай дастурхонадаги спиртли ичимликни ичиб тугатишди. Бу шахсаарга мастлик ўзининг салбий таъсирини ўтказиб бошлайди. Гапдан гап чиқиб, икки дўст ўртасида ўтган гиналар ёлга олинади.

— Эсингдами, ёзда ўрик терганимизда нарвоним сенда қилиб кетганди, — деди Юра ширакайф ҳолатда. — Нарвонини менга совга қилганинг эсиндан қилдимми? Совганг эвазига сенга терилган ўрикдан компот ва мураббалар қилиб уйингга олиб борганим ёдингдами? — дея жаҳл аралаш жавоб берди Андрей.

Шунга ўхшаш ўтган воқеалар ёдга олинганда, суҳбат жанжалга айланди.

Янги йилнинг кириб келишига ҳам санокчи дақиқалар қолган эди. Юра ўрнидан аранг туриб, ўтирган стули билан Андрейнинг дуч келган жойига туширди. Берилган зарбадан дўсти ерга қулади. Бу ҳам етмагандек,

Ю.Борисов стол тагида турган гиштини кўриб, у билан ҳам жабрдийданинг бошига уриб, хушидан кетказди.

Аммо бироздан сўнг ўртоғининг қимирламай қолганини кўриб, уни ўлдириб қўйганини англади. Афсус, энди надомат қилишга кеч эди. У дарров қон бўлиб кетган гишт ва стулни кўчага чиқариб, ахлатхонага ташлаб келади. Сўнг ўша заҳоти воқеа жойидан гойиб бўлади.

Тонг отгач, Андрейнинг қўшниси хонадонда қандайдир нохуш воқеа содир бўлганини сезиб, худудий милиция таянч пунктига қўнғирок



Сарвар АХМЕДОВ,

Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим
катта терговчиси

қилади. Учасга нозир ва қўни-қўшнилар гувоҳлигида А.Николаевнинг уйига киришди ва қонга беланган жасадни қўришди. Воқеа юзасидан суриштирув ишлари бошлаб юборилди. Жиноятни очиб ўчун марҳумнинг таниш-билишлари сўроқ қилинади. Суриштирув ва тергов жараёнида марҳумни Юра Борисов ўлдирганлигини тан олди.

Маъзур шў жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан қўриб чиқилиб, ҳукм ўқилди. Унга кўра, Юрий Борисовга 16 йил муддатга озоликдан маҳрум этиш жазосини тайинланди.

Шунайлари борки, мансаб курсисига ўтиргач, хизмат вазифасининг асосий шартларини унутиб қўяди. Ўзи бошлак бўлган жамоа ишини яхшилаш ҳақида қайғуришдан кўра, моддий манфаат кўриш тўғрисида бош қотириб, асосий ҳаракатларини ана шу мақсадга йўналтиради. Бунга Бўка туман йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси раҳбари Абдоржон Бойметовни (исм-фамилиялар ўзгартирилган) мисол қилиб келтириш мумкин.

Йўлсозларга шерик бўлган фермер


У 2014 йилнинг август ойида мазкур корхонага раҳбар этиб тайинланади. Халқимиз орасида "одамнинг қимлигини билмоқчи бўлсанг, амал бўлган синаб кўр", деган нақл бежиз айтилмаган. А.Бойметов ҳам амалии ўзининг шахсий манфаатлари йўлида бойлик орттириш учун имконият, деб билди, шекилли, "мен раҳбарман, айтганим-айтган, деганим-деган" қабилида йўл тутишга киришиб кетди. У мансабдор шахс бўлгани ҳолда, мансаб мавқеини суистеъмол қилиб, бош ҳисобчи Халима Камолова ҳамда корхонада йўл тутишга киришганда ишлаган Элмурод Мўминовлар билан ўзаро жиноий тил бириктиради. Улар аввалига йўлсозларнинг асосий маҳсулотли бўлган асфальтни қабул қилиб олиб, уни ишлатишда ноқонуний йўлга бош суқадилар. Корхонага қабул қилиб олинган асфальт асосиз равишда ҳисоботлардан чиқариб ташлашиши натижасида 7 млн. 674 минг сўмлик камоматга йўл қўйилади.

Уларнинг қилмишлари биргина бу эмас экан. Бош ҳисобчи Х.Камолова корхона раҳбари билан келишган ҳолда 2014-2015 йиллар мобайнида ҳисоботларни сохталаштирилганликлари оқибатида, давлат бюджетига тўланиши керак

Тешабой Илёсов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) дурадгорлик қилиб, эшик-ромлар ясаб сотиб юрар эди. У даромадини янада кўпайтириш хусусида бош қотиради ва ноқонуний фаолият билан шуғулланишни мақсад қилади. Бозори қаққон пахта ёғини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлади.

«Ихтирочи»

Чигитдан пахта ёғи оладиган дастгоҳларни ясади. Иш бошлаш учун беховотир жой қидиради. Хакимтўра қишлоғида яшовчи, даштда дехқончилик билан машғул ўртоғи Қобилжоннинг ҳовли-уйи бўш, сўраса, йўқ демайди. Шу боис, унга "ҳовлингга эшик-ром ясаб турсам майлими", дея мурожаат этади. Ўртоғи кимсасиз уйимга кўз-қулоқ бўлади-ку, деган ўйда роқо бўлади. Тешабой ҳовлидаги оғилхонага дастгоҳларни ўрнатиб, ишга киришади. Чигитдан қўлбола пахта ёғи тайёрлай бўлади. Фикри-зикири мўмай даромад орттиришда бўлган "ишбилармон" анти-санитария ҳолатига, тайёрлаёт-



Тўлқин РАҲАБОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Тошкент вилоят бошқармаси
бўлим бошлиғи

бўлган 110 млн. 78 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўланадими.

Шунингдек, тергов жараёнида йўл устаси вазифасида ишлаган Э.Мўминовнинг бошқа кирдикорлари ҳам ошқор бўлди. У мазкур ҳудуддаги фермер ҳўжаликлардан бирининг раҳбари Сайфулла Уйғунов билан жиноий тил бириктиради. Бу кимсалар ҳеч қандай ҳужжатларсиз фермер ҳўжалигига балиқчиликни ривожлантириш учун ажратилган 19 гектар майдондаги шағаллар пуллари аҳолига нақд пулга сота бошлайдилар. Ноқонуний савдодан сувдек оқиб келаётган пуллари эса икковлон ўртасида тақсимланиб, шахсий манфаатлар йўлида сарфлаб юборилверди. Бунинг натижасида давлат манфаатларига 2 млрд. 485 млн. 211 минг сўмлик зарар келтирилганлиги тергов жараёнида маълум бўлди.

Қонунларимизни писанд қилмай, уларни четлаган бу кимсаларга нисбатан жиноят ишлари бўйича Пискент туман суди томонидан жазо тайинланиб, ҳукм ўқилди.

Абдоржон РАҲИМОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Бувайда туман бўлими бошлиғи

ган маҳсулотининг истеъмолга яроқлими ёки йўқлигига умуман эътибор бермайди. Унинг мақсади нима бўлса ҳам, пул ишлаб олса, бас.

Июнь ойининг бошида СВОЖЖДЛҚК департаментининг туман бўлими ва туман ДСИ ходимлари билан биргаликдаги яширин ишлаб чиқариш фаолиятларини аниқлаш ва бартараф этиш тадбирлари вақтида Тешабой Илёсовнинг фаолияти фожия этилди. У ердан қиймати 8 млн. 110 минг сўмлик олти турдаги дастгоҳлар, асбоб-анжомлар, чигит, тайёр маҳсулот ашёвий далил сифатида олинди.

Бештерақ қишлоғилик, асл қасби дурадгор бўлган Т.Илёсовнинг "ихтироси" ўзини қора курси томон етаклади. Ноқонуний йўллар билан мўмай пул ишлаб олмақчи бўлган "ишбилармон"га суд томонидан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Лотерея ишқибози

Эркин Исломов дўконда савдо қилади. У лотерея ўйинларини ишқибози. Қунда бўлмасаям, ҳар замонда лотерея ўйнаб омадини синаб кўради. Катта ютуқ ютмаган-ку, лекин ютиб туради. Ютуқ пулларига ҳам лотерея олиб ўйнайди.

Шерзод Жўлибоев,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Жиззах вилоят бошқармаси
бўлим бошлиғи

Ўша куни эрталаб таниши "Халқ банки" Дўстлик филиалининг пул-буом ютуқли лотереялари сотувчиси А.Раҳимовдан 40 дона "Омад қуш" пул ютуқли лотереяларини сотиб олди. Дўконга келиб, лотереяларини белгиланган жойини ўчириб чиқди. Бирортасидан ютуқ чиқмаганини кўриб, жалхи чиқди. "Энди сираям ўйнамайман!"

Кечга яқин А.Раҳимовнинг ўзи Эркиннинг дўконини ёнидан ўтиб қўлди:

— Ун олтигагина лотерея қолди, омадингизни синаб кўрмайсизми?

— Йўқ, энди сираям ўйнамайдиган бўлдим.

— Бу сафаргиларида аниқ ютуқ бор, — деди лотерея сотувчи йигит жилмайиб. — Яна армонда қолманг, дейман-да!

Бироз таранг қилиб турган Эркин, бу гапдан кейин бўшади. Лотереяларни сотиб олди. Уйига келгач, омадини синаб кўрди. Ютуқ йўқ.

Аччиқ қилиб йиртиб ташламоқчи бўлди-ю, яна бир назардан ўтказди.

"Ие, мана бунисида биттагина "Е" ҳарфи кам экан, "Ф" ҳарфини "Е"га айлантирсам, хўш, ютуғи қанча экан?, 50 млн. сўм!"

У шоммасдан ручка билан "Ф" ҳарфини "Е"га айлантириб, лотереясини бир зумда ютуқлига айлантирди. Ўзининг ишидан мамун бўлиб, чўнтагига солиб қўйди.

Эрталаб А.Раҳимовга уч-

рашди:

— Ютуғимни беринг, мен ютдим, — деди чўнтагидан лотереяни чиқариб кўрсатаркан.

— Ана, бўларкан-ку! Юринг, банка борамиз...

Улар банкка боришди. Ходимлар банк бошқарувчисига кириш лозимлигини айтишди. Бошқарувчи лотереяни кўриб, Эркинни табриклади.

— Бизга 500 минг сўмга пул ютуқларини тарқатиш топширилган. Сиз Тошкентга борасиз, — тушунтирди у.

Эркин бир неча кундан сўнг пойтахтга борди. "Халқ банки"нинг амалиёт бўлимига учрашди. Лотереясини тегишли ҳужжатлар асосида топширди.

— Жавобини икки ҳафтадан сўнг, туманингиздаги банкдан оласиз, — тушунтиришди банк ходимлари.

Бироқ икки ҳафтадан сўнг унинг "ўйини" ниҳоясига етди. Экспертлардан ўтказилган лотерея қалбақлаштирилганлиги маълум бўлди.

Суд унга нисбатан тегишли жазо тайинлади.



Элбек АХМЕДОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Муборак туман
бўлими бошлиғи

"Қора бозор" ким учундир манфаат келтирса, яна кимнидир хонавайрон қилади. "Қора бозор" қайсибир маънода бозорларимиздаги нарх-наво барқарорлигига ҳам таъсир кўрсатиб, аҳоли учун ноқулайликлар туғдиради. Қолаверса, бу бозордаги фаолият қонунга хилоф бўлиб, ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракат учун жавобгарликнинг муқаррарлиги беғиёлаб қўйилган.

Ф уқаролар А.Бегматов, Б.Боқиев ва З.Нориев (исм-фамилиялар ўзгартирилган)лар ҳам ана шу бозорда хорижий валюталарни қонунга хилоф равишда айирбошлаш билан шуғулланиб, ўз наздида тирикчилик қилиб келаётган шоввозлардан ҳисобланишарди. Бироқ улар ҳар қандай қинғир ишининг бир кунги қийғи чиқишини унутишганди. Навбатдаги мижознинг ташрифи учовлон-

Қинғир йўлнинг якуни...

Ҳаётда ҳалол меҳнат билан турмуш фаровонлигига эришадиган инсонлар жуда кўпала топилмади. Халқимиз ҳам бундай инсонларнинг ҳурматини доимо жойига қўйиб, арлоқлаб келади.

Аммо гуруч курмасиз бўлмаганидек, ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, эртасини ўйламайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Навоий вилояти Томди туманига қарашли "Аяқудук" ширкат ҳўжалигининг 3-сонли "Шимбай" фермасида 2012 йил 1 июлдан 2015 йилнинг 3 сентябрга қадар бош чўпон лавозимида ишлаб келган Жасур Толибов (исм-фамилиялар ўзгартирил-

ган) ўзига ишониб топширилган 66 млн. 400 минг сўмлик 235 бош йирик ва майда чорва молларини ўзлаштириш ва растарата қилиш йўли билан ушраб туради. Навоий вилояти Томди туманига қарашли "Аяқудук" ширкат ҳўжалиги мақсадларига жуда кўп микдорда зарар етказди.

Ж.Толибовнинг бу билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми "а" бандида назарда тутилган: "айбдорга ишониб топширилган ёки унинг их-

тиёрида бўлган ўзганинг жуда кўп микдордаги мулкни ўзлаштириш ёки растарата қилиш қилиш йўли билан талон-тороқ қилиш" жиноятини қасддан содир этгани тергов жараёнида ўз ибботини топди.

Жасур Толибовнинг қилмиши судда қўрилиб, жиноятга жазо муқаррарлиги таъминланди ҳамда ширкат ҳўжалигига етказилган зарар тўлиқ ундириб олинди.

Ёшлар тарбиясига бефарқ бўлмайлик

/Давоми. Бошланғич 6-бетда/

Бу борада таълим-тарбиянинг рақобатбардошлигини таъминлаш, мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш, ахборот оқими моҳиятини ақл-идрок кўзгусига солиб тўғри тушуниб қабул қилишга ўргатиш ва ахборотларни фильрлаш қобилиятини шакллантириш, ёшларни соғлом турмуш тарзига йўналтириш ва унга мунтазам амал қилинишига эришиш долзарб масалалар қаторига киради.

Ёшларни, албатта, танқидий фикрлашга ва мустақил ишлашга одатлантириш яхши натижа беради. Бу борада машғулларда ўқитишнинг интерфаол услубларидан фойдаланиш талабаларда танқидий фикрлаш ва мустақил ишлаш кўникма ва малакасини тезроқ шакллантиради.

Албатта, бугунги таълим жараёнини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Зеро, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига янада чуқурроқ интеграциялашувига интерфаол педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш орқали эришишимиз мумкин. Шу нуктаи назардан, ўзгариб бораётган замон талабларидан ва юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлардан келиб чиққан ҳолда, таълим жараёни мунтазам янгилаб борилаётган, лекин техниканинг илгор ютуқларидан ёшларимиз оқилона ва мақсадли фойдаланиши лозимлигини зинҳор унутмаслигимиз лозим.

Бугун кибержиноятчилик, киберхуруж, кибертерроризм деган халқаро терроризмнинг янги кўринишлари таҳдидлар қаторидан ўрин олмоқда. Аксарият диний экстремистик оқимлар интернет орқали инсоннинг онгу тафаккурига ўзига бўйсундиришга уринаётгани ҳам сир эмас. Айрим кимсалар инсониятнинг фан ва ахборот технологиялари соҳасидаги ютуқларидан ўзининг фарзали мақсадларида фойдаланиб, ёт гоъяларни ёшлар онига сингдиришга уринашмоқда. Бундан салбий таъсирлар домига тушган баъзи ёшларда каерда қорин тўқ бўлса, ўша жойни ватан тутиш, ўз юрти қолиб, бошқа маконларга суқланиб қараш фикрининг шаклланиши таъшишли ҳолдир.

Зотан, террорчи кучлар интернет ва электрон тармоқлар орқали тарғиботга зўр бераётган бир пайтда ёшларимизни турли хил диний экстремизм, оммавий маданият, одам савдоси каби хатарли таҳдидлардан ҳимоя қилиш тобора долзарб аҳамият касб этаётган. Аввало, ёшларимиз интернет тармоғи орқали тарқатилган турли бўҳтон ва таҳдидлар тўғрисида тушиб қолмаслиги учун ўзимизда яратиб берилган шароитлардан, дунё тан олган олим-у, бой маънавий-илмий меросимизнинг энг ишончли манбаларидан уларга сабоқ берилса, ўзимизга фойдадир. Шундай экан, ҳеч бир юртдошимиз ёшлар тарбиясига, турли ташқи маънавий таҳдидларга бефарқ бўлмаслиги лозим.

Қисқа қилиб айтганда, ёшлар камолотига йўналтирилган, юқоридега тилга олинган қонун ва дастурларнинг жойларда ижро қилиниши билан оқилона амалга оширилиши миллий мафкурамизга садоқатли, ватанпарвар, руҳан тоза, ахлоқан пок, меҳнатсевар, кучли тафаккурга эга баркамол авлоднинг шакллантириш имконини беради.



Сув қонунчилиги сувга доир ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнида маълум тамойил ва усулларига эга бўлиб, улар тартибга солинаётган ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқмади. Сув қонунчилигининг тамойиллари сувдан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш мақсад ва вазибаларини белгилашга хизмат қилади. Сув қонунчилигининг тамойиллари табиий қонуниятларга таянган ҳолда барча юридик ва жисмоний шахсларнинг сувга бўлган ҳатти-ҳаракатларини илмий жиҳатдан асосланган ҳолда йўналтиришдан иборат бўлади.

Сув қонунчилигининг тамойиллари ва тизими

Сувга доир ижтимоий муносабатларни тартибга солишда сув қонунчилигида белгиланган чора-тадбирлар, яъни сувга оид ҳуқуқий тамойил, қоида-талаблар экологик ҳуқуқий тамойил, талаблар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Бундан ташқари, сув билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда маъмурий, жиноий, фуқаролик, меҳнат ва ҳўжалик ҳуқуқининг восита ва қоида талаблари ҳам кенг қўлланилади.

Сувга доир муносабатлар доираси мураккаблиги сув қонунчилиги тамойилларининг қуйидаги тизимга бўлинишига олиб келади: давлат ва ҳуқуқ назариясининг умумий тамойиллари; сувга доир махсус тамойиллар. Сув қонунчилиги сувга доир ижтимоий муносабатларни тартибга солишда давлат ва ҳуқуқ назариясининг қуйидаги умумий тамойилларидан фойдаланади: қонунийлик; ижтимоий адолат; ошқоралик; ишонтириш ва мажбурлов чораларининг қўлланилиши; шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларининг бирлиги ва бошқалар.

Сувга доир ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунида ушбу соҳадаги умумий ва махсус тамойиллар белгиланмаган. Сувларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг махсус тамойиллари бўлиб атраф табиий муҳитнинг барқарорлигини сақлаш, аҳолининг сувга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш, сув ресурсларидан умумий фойдаланганлик учун ҳақ олинмаслиги, сув ресурсларидан махсус фойдаланганлик учун ҳақ олиниши, сувга нисбатан давлат мулкчилигини қўлланилиши, сувга доир муносабатларни бошқаришда ҳавза тамойилининг қўлланилиши, сувларни муҳофаза қилиш ва тежаб фойдаланганлик учун рағбатлантириш чораларининг белгиланиши, сувга етказилган зарарни қоплаш ва ундиришнинг мажбурийлиги, сув кадастрини юриштининг мажбурийлиги ва бошқалар ҳисобланади.

Сув қонунчилигининг тизимини сув муносабатларини тартибга солишда қамраб олинадиган асосий категория ва институтларнинг маълум тартибда жойлашиши ташкил этади. Сув қонунчилигига оид ҳуқуқий масалаларни умумийликдан аниқликка қараб, бир-бирини тўлдир

риш нуктаи назаридан уни умумий ва махсус қисмларга бўлиш мумкин. Умумий қисм ўз ичига сувга доир давлат бошқаруви, сувга нисбатан мулк ҳуқуқи, сувни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, сувдан фойдаланиш ёки истеъмол қилиш ҳуқуқи, сув қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни қамраб олади.

Сувдан фойдаланиш ва истеъмол қилиш сув объектининг фойдали хусусиятларини ўзлаштириш усулига кўра фарқланади. Умумий тарзда сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бир неча мезонларга кўра таснифлаш мумкин. Сув объектидан фойдаланиш мақсадига қараб, сувдан фойдаланишнинг қуйидаги турларини кўрсатиш мумкин: а) сув объектидан аҳоли истеъмоли ва ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини қондириш учун фойдаланиш; б) маийий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиш; в) давлолаш, курорт ва соғломлаштириш мақсадларида фойдаланиш; г) қишлоқ ҳўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш; д) саноат ва энергетика эҳтиёжлари учун фойдаланиш; е) балиқчилик ва овчилик ҳўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш; ж) сув транспорти эҳтиёжлари учун фойдаланиш; з) оқинди сувларни оқизиш эҳтиёжлари учун фойдаланиш; и) ёнғинга қарши эҳтиёжлар учун фойдаланиш; қ) бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун фойдаланиш.

Сувдан умумий ва махсус фойдаланиш турлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Саноатда, қончиликда ва коммунал-маийий секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекцияси томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Сув объектидан фойдаланув

Ҳасан ҲАЙИТОВ,
юридик фанлар номзоди

чи субъектлар сонига қараб, танҳо ёки биргаликда фойдаланиш фарқланади: а) танҳо фойдаланиладиган сув объекти — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ёки жисмоний шахсларга бутунлай ёки қисман фойдаланишга берилган сув объекти; б) биргаликда фойдаланиладиган сув объекти — танҳо фойдаланишга берилмаган сув объектидир. Сув объектилари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қишлоқ ва сув ҳўжалиги, санитария назорати, табиати муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар органлари билан келишилган ҳолда фойдаланишга берилади.

Шу ўринда маълумот учун айтиб ўтиш лозимки, ҳозирда бир бош йирик қорамолни етиштириш учун 4000 м³, кўзи ва эчки учун 500 м³, бир кг бошоқли дон махсулотларига 1,5 м³, бир кг цитрус мевалар учун 1 м³, бир кг пальма ёғига 2 м³, дуккакли, илдизли ва қулпнари учун 1 м³ сув истеъмол этилади.

Сув объектидан олинладиган сувнинг миқдорига қараб сув объекти умумий ва махсус сув истеъмолига бўлинади: а) жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектиларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда ўз шахсий ичимлик, маийий, рекреация, давлолаш эҳтиёжлари, хайвонларни сугориш ва бошқа эҳтиёжларни қондириш мақсадидида сув истеъмоли умумий сув истеъмолидир; б) юридик ва жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектиларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўллаган ҳолда амалга ошириладиган сув истеъмоли махсус сув истеъмолидир. Махсус сув истеъмолига айрим ҳўларда махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда, аммо сувларнинг ва сув объектиларининг ҳолатига таъсир этадиган сув истеъмоли ҳам киритилиши мумкин.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Жиззах вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим прокурори Жамолiddин Нишонова ладари бузқорон

Сайфулла НИШОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Huquq

юрдик газета

Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV
Gulnoza RAHIMOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, Faks: 233-10-53, 233-64-85
E-mail: huquq@huquq-gazeta.uz
Gazeta haftaninng payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma S-7222. 38 257 nusxada bosildi. Oqog' o' bichini A-3, hajmi 3 bosma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terilvi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchesi muharrir: D.XALILOV Sahifalovchisi: S.BABAJANOV Navbatchesi: O'.DEHQONOV Bosmexonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxonada manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda O188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

